

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Mustaqillik huquq demakdir

Насри



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2013-yil 4-iyul, №27 (860)

УМУМИЙ ЎРТА ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИНИНГ МАЖБУРИЙЛИГИ — БАРКАМОЛ ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Юртимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган тараққиёт йўлига назар ташласак, республикаимиз Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида миллий таълим тизимини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, ёшларнинг ҳар томонлама етук, соғлом ва баркамол бўлиб улғайиши учун барча шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлиги яққол намоён бўлади.

Мустақиллик эълон қилинган дастлабки даврдан Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусан, шахс ҳуқуқининг ажралмас таркибий қисми саналган болалар ҳуқуқини таъминлаш давлат сиёсати белгиланди. Тарихан қисқа даврда мамлакатимизда баркамол авлоднинг тарбиялаш соҳасида улкан муваффақиятларга эришилмоқда ва бу дунё ҳамжамияти томонидан муносиб баҳоланмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини қўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлоднинг тарбиялаш орзуси мужасамдир".

Ўз-ўзидан аёнки, эски тузум даврида узок йиллар давомида вужудга келган эски таълим тизимини тубдан қайта қўрмасдан ва ислох этмасдан туриб, бу мақсадга эришиб бўлмасди. Айнаш шундай эзгу мақсадни рўёбга чиқариш учун давлатимизда ёшларимизнинг истикболини таъминлайдиган барча ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилди, муҳим қонунлар қабул қилинди, давлат дастурлари ҳаётга татбиқ этилди.

Жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг қонуний асосини ташкил қилувчи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгалиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши ва мактаб ишлари давлат назоратида бўлиши белгилаб қўйилди.

Мамлакатимизнинг таълим тизимини изчиллик билан ислох қилиш ва бу соҳадаги давлат сиёсатини мустаҳкамлаш борасида 1997 йил 29 августда қабул қилинган "Қадрлар тайёрлаш миллий дасту-

ри тўғрисида"ги ва "Таълим тўғрисида"ги Қонунлари тарихий қадам бўлди. Мазкур Қонуннинг 3-моддасида таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий принциплари, хусусан, таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги, шунингдек, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунари таълимининг мажбурийлиги белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг узок ва давомли мақсадларни қўзда тутадиган концептуал ғоялари асосида ишлаб чиқилган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини таъминлаш жараёнида, 9 йиллик умумтаълим мактаб босқичини ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-хунари таълим босқичини ўз ичига олган, мамлакатимизнинг ривожланиб бораётган ижтимоий-иқтисодий инфратузилмасини юқори малакали кадрлар билан таъминлашнинг узлуксиз таълим тизими яратилди. Шу асосда юртимизда 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди.

Таъкидлаш керакки, таълим тизими ислох қилиниши билан бирга таълим муассасаларининг моддий-техника базаси ҳам ҳар томонлама мустаҳкамланмоқда. Амалга оширилган кенг қўламли чора-тадбирлар туфайли республикада 1549 та замонавий таълим муассасалари, шундан 1406 та касб-хунари коллежи ва 143 та академик лицей барпо этилди. Мазкур

таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш учун барча зарур шароитлар яратилган.

Жумладан, жиҳозланган компьютер синфлари, кутубхоналар, спорт заллари, секциялар, зарур бўлган инвентарь билан таъминланган ётоқхоналар, ошхоналар ўқувчилар ихтиёрига топширилган. Яратилган бундай шароитларнинг барчаси ўқувчиларнинг танланган йўналиш бўйича бир ёки бир неча замонавий мутахассислик олишга қаратилган касбга оид чуқур билим олишларига замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, айнан касб-хунари коллежлари битирувчиларининг кўпчилик қисми республикаимизда фаолият кўрсатаётган замонавий илғор технологияларга асосланган корхоналарда меҳнат қилиб, ҳаёон бозорида рақобатбардош ҳисобланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнининг фаол иштирокчиларига айландилар. Масалан, "GM-Uzbekistan" ёпиқ акциядорлик жамиятида ишлаган 7956 нафар ишчи-хизматчининг 2877 нафарини ёки 36,1 фоизини касб-хунари коллежлари битирувчилари ташкил қилади. Ёки "Ўзбек-гилсаноат" компанияси тизимидаги корхоналарда 15

Рашитжон ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори

минг нафардан ортиқ, "Ўзбекнефтьгаз" компанияси тизимидаги корхоналарда 2 минг нафардан ортиқ касб-хунари коллежлари битирувчилари хизмат қилмоқдалар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шунингдек, умумтаълим тизимидаги ислохотлар, таълимнинг замонавий илғор услубларининг кенг жорий қилиниши, таълим-тарбияга бўлган эътиборнинг тубдан яхшиланиши ўзининг самарасини бермоқда. Ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириш даражаси ва дунёқараши кенгайиб, улар халқаро фан олимпиадалари, интеллектуал беллашувлар, кўрик-танловларда қўлга киритаётган ютуқлари билан Ўзбекистон довругини дунёга таратмоқдалар.

Охириги икки йил давомида 33 нафар ўғил-қизимиз жаҳон миқёсида ўтказилган фан олимпиадалари ва мусобақаларда ўзининг чуқур билими, интеллектуал салоҳияти, тегар фикрлари ва ўткир тафаккури билан ғолиблар шохупасидан ўрин эгаллаганлиги мамлакат тақдирига берафқ бўлмаган ҳар бир инсон қалбига чуқур ғурур ва ифтихор тўйғусини бахш этади.

(Давоми 2-бетда)

Бош прокуратурада

Мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилиши

2013 йил 26 июнь кунин Бош прокуратурада республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг мувофиқлаштирувчи Кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси прокуратура, ИИБ ва МХХ органларининг суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширишга масъул бўлган раҳбар ходимлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ҳамда тегишли ҳудудий ички ишлар бошқарма бошлиқларининг со-

ҳага оид ўринбосарлари иштирок этишди.

Йиғилишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси, суриштирув ва тергов жараёнида шахсининг қадр-қимматини камситишга йўл қўймаслик, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларини, шахсий ҳаёти, турар жойи дахлсизлигини бузиш, гумонланувчи ва айбланувчиларга нисбатан эҳтиёт чораларини танлашнинг қонунийлиги аҳоли муҳокама қилинди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан фуқароларнинг конституция билан кафолатланган ҳуқуқларини, шу жумладан, айбланувчиларни

ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлаш, Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларида белгиланган қонунийлик, демократизм, инсонпарварлик, одиллик принципларига риоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда йўл қўйилган камчиликлар кескин танқид остига олинди.

Бундай салбий ҳолатларнинг вужудга келиш сабаб ва шарт-шароитларига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг олдини олишга қаратилган чоралар қўрилиши ҳамда суриштирув ва

Дилмурод УМАРАЛИЕВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

дастлабки тергов жараёнида ЖПК талабларига қатъий риоя қилиниши лозимлиги таъкидланди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан прокуратура ва ички ишлар органларининг мазкур соҳага масъул раҳбарларининг ахборотлари ва тушунтиришлари эшитилди.

Мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилишида қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун жойларга юборилди.

УМУМИЙ ЎРТА ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИНИНГ МАЖБУРИЙЛИГИ — БАРКАМОЛ ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

(Давоми.
Бoshланиши 1-бетда/)

Ёшларни соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш, оммавий спортни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси таъсис этилди. Ўртаимизнинг барча ҳудудларида, ҳатто олис қишлоқларимизда ҳам спорт анжомлари билан жиҳозланган замонавий спорт мажмуалари, мухташам спорт саройлари, стадионлар, жисмоний тарбияга ихтисослашган мактаблар барпо этилди. Ўқувчи ва талабаларнинг уч босқичли "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" республика мусобақалари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Энг муҳими, миқёси ва кўламига кўра бениҳоя улкан бўлган бу ишларнинг барчаси ўзининг салмоқли натижаларини бермоқда. Кейинги икки йилда ёшлар ўртасида ўтказилган Жаҳон ва Осиё чемпионатларида ҳамда бошқа йирик халқаро беллашувларда 490 нафар ёш спортчиларимиз совринли ўринларни эгаллаган бўлса, уларнинг 132 нафари барча рақибларини доғда қолдириб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган ва Ўзбекистон мадҳиясини дунё майдонларида баланд янграштиш бахтига мурасор бўлдилар.

Узлуксиз таълим тизимининг яратилиши ва таълим сифатининг тубдан яхшилланиши вояга етмаганларнинг билим олишга ва касб-хунарга олишга бўлган қизиқишларини янада ошириб, бу эса, ўз навбатида, уларнинг бандлигини таъминлаб, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликни кескин қисқартиришга эришишга имкон берди. Хусусан, 2012 йилда 2000 йилга нисбатан вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик 30,5 фоизга камийган.

Болалар, жумладан, ўқувчилар орасида жиноятчиликнинг камайиши қувонarli хол, албатта. Шу билан бирга, вояга етмаганларга нисбатан етарли назорат бўлмагани оқибатида уларнинг ўқув муассасаларига бормаслиги ҳолатлари мавжудлиги таълимига солиши табиий. Жумладан, 2012-2013 ўқув йилида 5 минг нафардан ортиқ ўқувчилар бирон-бир узрли сабабсиз сурункали равишда касб-хунарга коллежлари ва академик лицейларга ўқишга келмаган. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ва прокуратура органлари томонидан кўрилган ҳуқуқий чоралар натижасида улардан аксари ят қисми таълим муассасаларига қайтарилди.

Ўтказилган назорат тадбирларида умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунарга таълими муассасалари масъул ходимлари томонидан

масъулотларга сабабсиз келмаётган ёки мунтазам равишда қатнашмаётган ўқувчиларни аниқлаш, ҳисобини юритиш ва таълимга жалб қилиш ишлари тўғрисида йўлга қўйилмаганлиги аниқланди.

Масалан, Мирзо Улуғбек туманидаги 27-сонли умумтаълим мактаби директори Е.Заирова ва директор ўринбосари М.Ражаповалар ўзаро жиноий тил бириктириб, 2009 йилда Бельгия давлатига кетган 5-синф ўқувчиси Д.Боймаматовани тўрт йил давомида дарсларга қатнашганлиги ва билими баҳоланганлиги ҳақида журналга ёзувлар киритиб, синфдан-синфга ўтказиб келганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Давлат томонидан болаларимизнинг келажагини ўйлаб, қанчадан-қанча сарф-харажат эвазига 12 йиллик бепул ўқини ташкил қилиб, замонавий технологияларга асосланган, жаҳон илгор таълим стандартларига мос билим олиш учун шароитлар яратиб берилса-ю, бола коллежга бормаса, қани бу ерда тартиб-интизом, қани масъулият?! Нима учун жойларда ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, профилактика инспекторлари, жамоатчилик, қолаверса, бола тарбияси учун бевосита жавобгар бўлган ота-оналар ва бошқа масъул шахслар бепарволарча қўл қовштириб ўтирибди? Бундай бепарволик жиноят эмасми?

Ваҳоланки, мамлакатимиз қонунчилигида 12 йиллик таълим умуммажбурий эканлиги белгиланган бўлиб, қонуннинг мазкур талаби ижросини қатъий таъминлаш барчамизнинг бурчимиздир. Афсуски, баъзи ота-оналар ва мансабдорлар ўзларига юклатилган вазифаларига нисбатан бундай масъулиятсизлик учун жавобгарликнинг мавжудлигини унутиб қўйганлар. Бу соҳада прокурор назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, ўтган йилда ва жорий йилнинг 5 ойида ўқувчи ва талабаларнинг ўқув муассасаларига келиб-кетилиши таъминлаш учун масъул бўлса-да, мансаб вазифаларини лозим даражада бажармаган 2 минг нафар таълим соҳаси ходимлари интизомий жавобгарликка тортилганлар.

Шу ҳолатларни инобатга олган ҳолда, умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирувчиларни кейинги ўқиш босқичларига жалб этиш борасидаги қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозир жорий йилда мактабни битираётган 530 мингдан ортиқ ўқувчиларни касб-хунарга коллежлари ва лицейларга жойлаштириш тўлиқ қамраб олиш мақсадида жойлардаги прокурорларга маҳаллий ҳокимликлар, таълим муассасалари ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда амалга ошири-

лиши лозим бўлган чора-тадбирлар ҳусусида топшириқ юборилди. Ушбу вазифанинг ижросини таъминлашнинг барча чоралари кўрилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўқувчи ва талабаларнинг масъулотларга қатнашиш давомида таъминлаш фақатгина ўқув муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчилари зиммасидаги вазифа эмас, балки бу жараён кўп жиҳатдан ота-оналарга, уларнинг фарзанди таълим-тарбияси билан нечоғлик шугулланишларида бевосита боғлиқдир. Ваҳоланки, бола тарбияси ҳам қонуний асосларда, ҳам маънавий-ахлоқий жиҳатдан ота-оналарнинг фуқаролик ва инсоний бурчидир.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасида ота-она ёки уларнинг ўрини босувчи шахслар фарзандларининг тарбияси ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларини бажармаганликлари учун маъмурий жавобгарлик белгиланган бўлиб, айнан шу асослар билан 2012 йилда ва жорий йилнинг ўтган даврида 3,5 минг нафар ота-оналар жавобгарликка тортилдилар.

Бундан ташқари, 250 нафар ота-оналарнинг муомала лаёқати чекланган ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган.

Бу борада бир мисол келтириш ўринлидир. Чирчиқ шаҳрида яшовчи фуқаро Е.Шарипова спиртли ичимлик истеъмол қилиб, тўққиз яшар қизи Л.Шариповани мунтазам равишда уриб, унинг мактабга ва кўчага чиқишига тўққизинчи қилган ва узоқ муддат давомида қанақа қамраб, устидан қўлқаб қўйган. Оқибатда қиз бундай шафқатсизликка чидамасдан, ўзини 3-қаватда жойлашган хонадоннинг балконидан ерга сакраб, оғир тан жароҳатлари олган. Врачларнинг ёрдами билан қизнинг ҳаёти сақлаб қолинган. Онасига нисбатан эса жиноят иши қўзғатилиб, жавобгарликка тортилди.

Ўқувчиларнинг масъулотлардаги давомати назоратсиз қолиши, уларнинг узрсиз сабаблар билан дарсга қатнашмасликлари, ҳатто узоқ муддат давомида таълим муассасаларига умуман келмасликлари фарзандларимизнинг жиноят йўлига кириб кетишдек мудҳиш оқибатларга олиб келмоқда.

Масалан, Булоқбоши туманидаги иқтисодиёт ва енгил саноат касб-хунарга коллежга талабаси Н.Тошметиев умумтаълим мактаби ўқувчилари Ш.Қудратиллаев ва Ш.Исоқовлар билан жиноий тил бириктириб, савдо дўконидан 1,2 млн. сўмлик уяли телефон аппаратлари ва эҳтиёт қисмларини ўғирлаганлар.

Содир этилган жиноятлари учун ушбу гуруҳ аъзолари жиноий жавобгарликка тортилдилар, албатта. Лекин афсус билан таъкидлаш лозимки, шундай номақбул гуруҳларга

кириб қолиб, турли хил жиноятлар, шу жумладан, оғир жиноятларга қўл ураётган вояга етмаган болалар борлиги уларнинг таълим-тарбиясидаги нуқсонлардан далolat беради. Бу ҳақда ота-оналар, ўқитувчилар, синф раҳбарлари, таълим муассасаларининг мансабдор шахслари, қўйингки, барчамиз чуқур ўйлаб, тегишли хулоса чиқаришимиз ва бундай ҳолатларнинг олдини олиш чораларини кўришимиз керак.

Шу ўринда яна бир долзарб масалага алоҳида тўхталиш лозим. Касб-хунарга коллежларини тамомлаган фарзандларимизнинг мутахассислиги бўйича иш билан таъминланиши уларнинг келажақ ҳаётида ўз ўрнини эгаллашларида муҳим аҳамиятга эга. Шу боис касб-хунарга коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга қаратилган таълим-хуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, тегишли мутахассисликлар бўйича янги иш ўринлари ташкил қилинмоқда.

Аммо назорат тадбирларида аниқланишича, касб-хунарга коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмагани, бу жараёнда ҳисоботларга қўшиб ёзиш, тугатилган ёки фаолият юритмаётган корхона билан сохта шартномалар тузиш, битирувчилар ҳали ишга чиқиб улгурмасидан шартномаларни бекор қилиш каби ҳолатлар мавжуд. Бундай қонунбузишларга йўл қўйган мансабдор шахслардан 2300 нафардан ортиғи интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилдилар, 74 та ҳолат бўйича эса жиноят иши қўзғатилди.

Ёшларни узлуксиз мажбурий таълим билан қамраб олинишига салбий таъсир ўтказадиган муаммолар ҳолатлардан яна бири ўқувчи қизларнинг, шу жумладан, никоҳ ёшига тўлмаганларнинг эрга бериб юборилишидир. Олиб борилган таълим билан қамраб олинишга қарама-қарши, 2012-2013 ўқув йилида лицей ва коллежларда таълим олаётган 2114 нафар қизлар ота-оналари томонидан эрга бериб юборилган, оқибатда улардан 944 таси ўқув масъулотларига умуман қатнашмай қўйган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан никоҳга киришган шахсларнинг, шунингдек, бунга йўл қўйган ота-оналар, таълим, диний муассаса ходимларининг жавобгарлик масаласи ҳал қилинмоқда. Лекин қўрилган чоралар ўзининг етарли самарасини бермаётганлиги сабабли бундай салбий иллатга нисбатан қатъийлик ва талабчанликни кучайтиришимиз керак. Шу ўринда алоҳида айтиш кераки, никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик, яъни никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳга киришиш, уни эрга бериш ёки уйлантириш, шунингдек, никоҳ ёшига етма-

ган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш учун жавобгарликни белгилловчи нормалар Оила кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларида қиритилди. Бу ўзгаришлар ҳам шу каби ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилди.

Қонунлар қабул қилиняпти. Лекин бу қонунлар ҳақида жойларда барча фуқароларимиз тўлиқ билимслиги ҳам мумкин. Шу сабабли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳокимликлар ва тегишли жамоат ташкилотлари жойларда халқ орасида қонунларни, уларга қиритилган қўшимча ва ўзгаришларни тарғиб қилиш, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида айнан шу мавзуда тадбирлар ўтказиш орқали тушунтириш ишларини доимий равишда олиб боришлари керак. Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятининг ошиши бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш имконини беради.

Хар томонлама интеллектуал ва жисмонан ривожланган юксак ақл-заковатли, баркамол авлодни тарбиялашдек устувор вазифанинг нақадар муҳим эканлигини ҳар биримиз чуқур тушунишимиз, барча сазй-харакатларимизни бундай муҳим соҳадаги қонунчилик талабларининг тўлиқ ижросини таъминлашга, шунингдек, мансаб суистеъмолчилиги, порахўрлик, фирибгарлик ва бошқа жиноий фаолиятни истисно қилидиган соғлом муҳит яратишга йўналтиришимиз зарур.

Ёш авлод тарбиясига ҳар доимо энг долзарб ва устувор вазифа сифатида эътибор қаратиб келаётган муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг "Барчангиз яхши биласизки, келажақ авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслини тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир. Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазлу қамолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади, ўзини аямайди", деган фикрлари халқимизга хос юксак инсоний фазилатларнинг эътирофи бўлиши билан бирга, барчамизни шу борада янада фаол иш олиб боришга даъват этади.

Дарҳақиқат, халқимизга хос ана шу олий қадрият ҳар доим бизларни ёшлар таълим-тарбиясига ҳаёт-мамонт масаласи сифатида эътибор қаратишга чорлаши шарт. Зеро, ёш авлоднинг жисмонан соғлом, ақлан етук ва маънан баркамол бўлиб вояга етиши учун барча давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари, она-юрт келажагига бефарқ бўлмаган ҳар бир соғлом фикрли фуқаро масъулдир.

Истагимиз шуки, бу эзгу ният ҳар бир юртдошимизнинг юксак инсоний ва фуқаролик бурчига айлانسин.

«Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 2 июлидан 127 (5801)-сонидан олинди

Қишлоқларимизда намунавий лойиҳалар асосида замонавий, барча қулайликларга эга кўркам уйлар қад ростламоқда. Қурилиш аввалги 25 фойз аванс тўлаб қўйган фуқаролар янги уйларга кўчиб ўтишмоқда. Уларга ҳавас қилган ҳамқишлоқлари намунавий кўркам бинолардан аниқла олиб, эски уйларини бўзиб, янги иморат қуриб олишмоқда. Шу тариқа қишлоқларимиз замонавий қиёфа касб этиб, обод бўлиб бормоқда.

Сохтакорлик

Миржамол САДИКОВ,
Фаргона вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Қишлоқларда намунавий лойиҳа асосида уйларнинг қурилиши танлов-тендерларда голиб топилган хусусий қурилиш корхоналари томонидан амалга оширилмоқда. Бироқ уларнинг айримлари буюртмачи билан тузилган шартнома шартларига амал қилмаган, уйлари вақтида қуриб битказмаган ёки ҳужжатларни қалбакилаштириб, бюджет маблағларини ўзлаштирган ҳолатлар ҳам юзага чиқмоқда. Хусусан, таҳлилларда Қўқон шаҳридаги "Боний-қурувчи" МЧЖнинг раҳбарлари буюртмачи "Қишлоқ қурилиш инвест" шўъба инжиниринг компанияси Фаргона вилоят филиали мансабдор шахслари билан жиноий тил бириктиришгани, ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишгани аниқланган, жиноят иши кўзга тилиди.

Маълум бўлишича, "Боний-қурувчи" МЧЖ раҳбари С.Низов ва унинг гунаҳгарлари аввал бошдаёқ, танловда қатнашиш учун ҳужжатлари тақдим этишда сохтакорлик билан иш юритишган. Улар Данғара тумани Муқобод қишлоқ фуқаролар йиғини, Урганчи қишлоғида намунавий лойиҳалар асосида қурилиши режалаштирилган 15 та уйни қуриш учун ўтказилган танловга МЧЖнинг молиявий натижалари ҳақидаги қалбакилаштирилган ҳужжатларни тақдим этишган. 2007-2009 йиллар мобайнидаги соф савдо тушумини аслига нисбатан 752 млн. сўмга ошириб, 1 млрд. 172 млн. сўмликдан зиёд қилиб кўрсатишган. Жамиятнинг асосий воситалари бўлмагани ҳолда 13 млн. 879 минг сўмлик асосий воситаларга эгалиги ҳақида қалбаки ёзувлар киритилган ҳужжатларни танлов комиссиясига тақдим этиб, тендерда голиб чиқишга эришишган.

Қишлоқ аҳоли пунктларида уй-жой массивлари қурилиши бўйича вилоят танлов комиссиясининг аъзолари томонидан МЧЖ раҳбари С.Низов танловга тақдим этган маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ўрганилмасдан йиғилиш баёни қабул қилинган. Шунга асосан ҳар бирининг қиймати 70 млн. 100 минг сўмдан бўлган, жами 1 млрд. 51 млн. сўмлик 15 та уй-жойларни 2011 йил август ойигача қуриб битказиш "Боний-қурувчи" МЧЖга топширилган. Буюртмачи "Қишлоқ қурилиш инвест" иттиҳослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси Фаргона вилоят филиали билан шартнома тузилган. Кейинроқ комиссия томонидан ушбу йиғилиш баённомасига ўзгартириш киритилиб, 15 та эмас, жами қиймати 911 млн. 300 минг сўмликдан иборат 13 та уй-жойни қуриб битказиш муддати август ойидан декабрь ойигача узайтирилган.

Бироқ, ҳужжатларда бакуватдайд бўлиб кўринган, аслида имкониятлари чекланган МЧЖ томонидан уйлар белгиланган муддатларда сифатли қуриб битказилиши даргумон эди. Шу боис жамият раҳбари С.Низов буюртмачи — инжиниринг компанияси вилоят филиали мансабдор шахсларининг атрофида гирдиқапалак бўлиб "кўнгилларига йўл топишга" эришган. Уйлари қуриб битказиш муддатларини орта қуришга кўндирган.

Инжиниринг компанияси техник назорат бўлими етакчи мутахассиси И.Турсунов ўзаро "қелишув"га биноан бажарилган иш ҳажми сунъий равишда кўпайтириб ёзилган далолатномаларни тасдиқлаб, тўлов учун тақдим этаверган. Ҳужжатларга кўра МЧЖ қурувчилари томонидан салкам 663 млн. сўмлик ишлар бажарилган. Ҳақиқатда эса салкам 90 млн. сўмлик аслида бажарилмаган ишлар қўшиб ёзилган, ортқча ҳақ тўланган.

Шунингдек, уй-жойлар белгиланган муддатларда қуриб битказилмасдан аввалдан 25 фойз миқдорда жами 227 млн. 800 минг сўм аванс тўловларини тўлаб қўйган фуқароларга ҳамда давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда моддий зарар етказилган.

"Боний-қурувчи" МЧЖ бундан ташқари, вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси билан тузилган шартномага кўра Ўзбекистон туманида марказий поликлиника қурилишида 583 млн. 245 минг сўмлик пудрат ишларини амалга оширган. Бажарилган қурилиш ишлари қайта назорат ўлчо-видан ўтказилганида МЧЖ раҳбари С.Низов томонидан 1 млн. 208 минг сўм миқдоридида маблағ далолатномага қўшиб ёзилиб, сохта маълумотлар киритилган ҳужжат тўловга тақдим этилгани, бюджет маблағлари ўзлаштирилгани аниқланди. Ушбу ҳолатларга асосан МЧЖ раҳбари жиноий жавобгарликка тортилди. Унинг жиноий шериклари, буюртмачи ташкилот мансабдор шахсларига нисбатан кўзга тилинган жиноят иши алоҳида иш юритилишига ажратилди.

Суд мажлисида МЧЖ раҳбари С.Низовнинг айби исботланиб, унга қилмишига яраша жазо тайинланди.

Ер ости бойликлари, яъни фойдали қазималар — умумхалқ мулки ва улар давлат муҳофазасида. Ушундан факат бугун эмас, келгусида Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида фойдаланиши барчага аён ҳақиқат ва бу қонунчилигимизда мустақамлаб қўйилган.

Ер ости бойликларида шахсий манфаатлари йўлида фойдаланишни қўзлаганларга эса ҳеч қандай изн берилмайди ва шундай йўл тутмоқчи бўлганлар қонун олдида албатта жавоб берадилар. Нафсига эрк бериб, қонуний йўллар билан бойлишни қўзлаган, олтин вазасида қўзларини қўри қилиб қўйган айрим кимсалар ўзларига аянчли қисматни танлаганликларини билмайдилар.

Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида истиқомат қилувчи Мансур Рўзиев, Қасрамон Раҳмонов, Нодиржон Аллаяров ҳамда ака-ука Элёр ва Наврўз Утаюновлар таркибида олтин бўлган маъданли руда тошларини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида 2012 йил 13 декабрь кунини М.Рўзиевга тегишли "Нива" русумли автомашинада соат 18:00ларда ўзлари яшаётган туман ҳудудида жойлашган фуқароларнинг эркин кириши тақиқланган ва қўриқланган Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонасига қарашли "Қорақўтон" кони атрофида келади. Ҳақиқатда ниятларини амалга ошириш учун кон ҳуду-

дига ғайриқонуний равишда кирдиладар.

Улар маъданли тошларни қазиб олишгаётган пайтда идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш отряди назоратчилари улардан жиноий ҳаракатларини тўхатишни ва кон ҳудудидан чиқиб кетишни талаб қилган. Аммо бу "нафс қуллари" назоратчиларнинг талабига бўйсунмасдан, уларни ҳақорат қиладилар. Руда тошларини олмасдан ҳеч қаргача чиқмасликларини айтиб, назоратчиларни уриб, тепкилашди. Оқибатда назоратчилар тартиббузарларга нисбатан чора кўролмасдан чекинадилар. Аммо бу ўзбошимча кимсалар барибир қўлга олиндилар ва жиноий қилмишлари учун жавоб беришга мажбур бўлдилар. Шунингдек, суд ҳукми билан жиноят қуроли деб топилган "Нива" русумли автомашина давлат фойдасига мусодара қилинди.

Пахтачи туманида яшовчи 24 ёшли Қувончбек Жумаев ҳам ҳудуди шундай қонуний ишга қўл урган. У 2012 йилнинг 13 октябры кунини соат 20:00ларда бир неча танишлари билан тил бириктириб, "Қорақўтон" кони шахтасига ғайриқонуний равишда кирди. Улар маъданли тошларни қазиб олишгаётганларида устиларига тоғ жинслари қўлаб тушган ва Қувончбек ҳамда шерикларидан 3 нафари турли хил тан жароҳатлари олган, икки нафар шериги эса тош остида қолиб, ҳаётдан кўз юмишган.

Қўшработ Баходиров ва шерикларининг жиноий қилмишлари-

Шерзод МУХАМАТОВ,
Навоий иттиҳослаштирилган
прокурори

ни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Д.Баходиров муқаддам икки марта ҳудуди шундай жиноятларни содир этгани учун судланган. Жиноят ишлари бўйича Қўшработ туман судининг 2012 йил 8 февралдаги ақри-мига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2011 йил 5 декабрдаги амнистия тўғрисидаги қарорига асосан жазодан озод қилинган. Унинг жиноий шериклари Д.Чорқулов ва Ш.Файзиевлар ҳам муқаддам айнан шу каби жиноятларни содир этгани учун судланган шахслардир. Улар ҳам қўридаги каби амнистия ҳужжатида асосан жазодан озод қилинган эдилар. Улар бу инсонпарварликдан бир умр миннатдор бўлиш ўрнига яна жиноятга қўл уришган.

Жиноий шериклар 2012 йил 20 сентябрь кунини кеч соат 20:30ларда Зармитан қўргонини ҳудудидида НКМД давлат корхонасига қарашли "Зармитан" қонига келади. Уларга қоннинг ёрдамчи шахтасига кириб, маъданли тошларни қазиб, олиб чиқаришларида хизмат вази-сини бажараётган "Зармитан" олтин қонини идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш отряди назоратчиси Н.Абдумунинов қар-шилик кўрсатади.

Давлат мулкни талон-торож қилмоқчи бўлган жиноятчиларнинг барчасига суд ҳукми билан қилмишига яраша жазо тайинланди.

Қонун ҳимоясида

Бугунги кунда иқтисодиётнинг муҳим тармоқла-
ридан бири бўлган кичик бизнес ва талбиркор-
ларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оилавий
бизнесни ривожлантириш, уларни қўллаб-қув-
ватлаш, шу билан бирга, солиқ базасини кенгай-
тириш ишларига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бо-
расида ўтган йили 890 та ва жорий йилнинг ўтган даврида 253 та тарғибот тадбирлари амалга оши-
рилиб, тадбиркорларнинг муносабатлари ва ари-
заларига кўра, жами 106 нафар тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилиши-
да, ер участкаларининг ажратилишида, банклар-
дан кредитлар ва айрим фаолият турларини амал-
га ошириш учун тегишли гувоҳномалар олиш-
ларида амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада 211 та янги иш ўринлари яратилиб, 532,6 минг сўмлик қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқарили-
ши ва хизматлар кўрсатилишига ҳамда давлат бюджетига 82,8 минг сўмлик солиқлар тўлани-
шига эришилди.

Бухоро шаҳрининг мар-
казий кўчаларидан би-
рида каттагина савдо дўконига эга бўлган И.Тошев алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни йўлга қўйгани бўлди. Бунинг учун хусусий корхонаси номидан тегишли жойларга муносабат қилиб, бу борадаги ҳужжатлар-
ни расмийлаштириш, яъни вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномалари бериш бўйича махсус ком-
миссиянинг қорхона ҳужжатла-
ри Ўзбекистон Республикаси Президентининг бундай савдога тегишли қарори талаблари-
га мувофиқлиги тўғрисида ҳу-
лосасини олиши керак эди.

«Ишбилармон»

Бироқ, ишбилармон ҳужжат расмийлаштиришни ўзига ор-
тиқча даҳмаза деб билди. Ҳеч қўлаб ўтирмай сохтакорликка қўл урди. 2008 йил комиссия аъзоларининг, вилоят солиқ-
ни сақлаш бошқармаси бош-
лигининг, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бош-
лигининг ва вилоят ДСЭНМ бош врачининг имзоларини қалбакилаштириб, мазкур ҳуло-
сани Бухоро вилоят ҳокимли-
ги ҳузуридаги махсус комис-
сияга тақдим этди. Қарабсиз-
ки, ушбу ҳулоса асосида алко-
ғолли маҳсулотлар билан ча-

Полат РОЗИМОВ,
СВОЖОДЛҚК департаментининг Қорақалпоғистон
Республикаси бошқармаси катта инспектори

Бундан ташқари, қонунчиликда тақиқланмаган ишлаб чиқариш билан яширин, белгиланган тар-
тибга зид равишда қонуний фаолият олиб бо-
раётган 3 нафар фуқаронинг фаолиятига қонуний тўс берилиб, уларнинг солиқ тўловчи сифатида қайта рўйхатдан ўтказилиши таъминланди. Хусу-
сан, Нукус шаҳрида яшовчи фуқаро М.Карамул-
лаевнинг давлат рўйхатидан ўтмасдан, ҳеч қандай ҳужжатсиз конфет ва қандолат маҳсулотлари иш-
лаб чиқараётганлиги аниқланиб, тегишли чора-
лар қўрилиди ва унинг белгиланган тартибда дав-
лат рўйхатидан ўтказилишида амалий ёрдам кўрсат-
илди. "Карамуллаев Майрамбай" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиб, фаолияти қонунийлаштирилди.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, улар фаолиятидаги турли суиистеъмолчиликларга бар-
хам бериш орқали тадбиркорлар манфаатлари-
ни таъминлашга қаратилган тадбирларимиз давом эттирилмоқда.

Дилмурод АКОБИРОВ,
СВОЖОДЛҚК департаментининг
Бухоро вилоят бошқармаси ходими

кана савдо қилиш ҳуқуқини бе-
ровчи қудрат гувоҳномаларини қўлга киритади.

Суд жиноятнинг ижтимоий ҳавфлилик даражасига эътибор қаратиб, инсонпарварлик та-
моийларини қўллаган ҳолда унга нисбатан амнистия акти-
ни қўллашни лозим топди ва жиноят ишини ҳаракатдан ту-
гатиш ҳақида ақрим чиқарди.

Қонун талаблари бажарилиши шарт

Истиқлолнинг кейинги йилларида республикада амалдаги конституциявий ҳуқуқий нормаларни ривожлантириш учун ҳўжалик юритувчи субъектлар ва талбиркорлар фаолиятининг эркинлиги ва кафолатларини таъминловчи ҳуқуқий база шакллантирилди. Шунингдек, соҳага оид қонунлар ҳамда қонунности ҳужжатлари қабул қилиниб, амалгагиларига керакли ўзгаришлар киритилиб ва уларга риоя қилиниши аҳволи мунтазам ўрганилиб, таҳлил этиб боришмоқда. Ушбу жараён прокуратура органлари зиммасига ҳам муайян вазифаларни юклайди.

Жумладан, 2013 йилнинг 1-чораги давомида вилоят ҳўжалик судида жами 4084 та ҳўжалик иши қўрилган бўлиб, шулардан 1725 тасида прокурор иштироки таъминланган. Жами қўрилган ишлардан 30 тасини банкрот деб эътироф этиш ҳақидаги, 14 тасини давлат ва ўзини ўзи бошқариш органлари ҳўжатларининг ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги, 447 тасини контрактация шартномалари билан боғлиқ низолар, 119 тасини ер ижараси билан боғлиқ низолар ҳақидаги ва 4873 тасини бошқа низолар билан боғлиқ ишлар ташкил қилади.

Апелляция инстанциясида 75 та иш қўрилиб, барчасида прокурор иштирок этган. 41 та ҳўжалик иши бўйича суд қарорлари бекор қилинган ва ўзгартирилган. Шундан 39 таси протестларга асосан бекор қилиниб, апелляция протести келтириш самарадорлиги 96 фоизни ташкил қилган.

Кассация инстанциясида қўрилган 49 та ишдан 19 таси юзасидан суд қарорлари бекор қилинган ва ўзгартирилган. Шулардан 18 таси кассация тартибда киритилган протестлар асосида ўзгартирилиб, кассация протести келтириш самарадорлиги 94,7 фоизни ташкил қилган. Шунингдек, ҳўжалик судларида 2013 йилнинг 1-чорагида жами 2 млрд. 584 млн. 146 минг сўмлик 242 та прокурор даъво аризалари қўрилиб, 2 млрд. 278 млн. 675 минг сўмлик 240 та даъво талаблари

ри қаноатлантирилган. 441 млн. 300 минг сўмлик 2 та даъво аризаси зарар суд мажлиси жараёнида тўлиқ қолланганлиги сабабли рад этилган. Вилоят ҳўжалик судида жами 1-чорагида қўрилган 4084 та ҳўжалик ишлардан 28 таси бўйича иш юритиш Ўзбекистон Республикаси Ҳўжалик-процессуал кодекси 86-моддасининг турли бандларига асосан тугатилган.

Таъкидлаш ўринлики, қонун ҳўжатлари талаблари бузилган тақдирда соҳага оид тегишли прокурорлик назорати ҳўжатлари қўлланилган. Жумладан, Тошкент вилоят ҳўжалик судининг 2011 йил 4 августдаги ажрими билан даъвогар Олмалик шаҳар "Сувоқава" ишлаб чиқариш шўъба корхонасининг жавобгар ЯТТ "Ж.Абдуллаев" ҳисобидан 1 млн. 730 минг сўм асосий қарз, 678 минг 763 сўм пеня, жами 2 млн. 409 минг сўмни ундириш тўғрисидаги даъво сўм бўйича келишув битими тасдиқланиб, иш юритиш тугатилган.

Аниқланишича, Олмалик шаҳар "Сувоқава" ИЧШК Тошкент вилоят ҳўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, ЯТТ "Ж.Абдуллаев" ҳисобидан 1 млн. 730 минг сўм асосий қарз ҳамда 678 минг 763 сўм пеня ундиришни сўраган. Мазкур даъво аризаси "Сувоқава" ИЧШК директори М.Махкамов томонидан имзоланган. Аммо иш ҳўжатларида эса "Сувоқава" ИЧШК директори А.Гайдаров томонидан имзоланиб, ҳуқуқий

бўлим бошлиғи С.Полякова ҳамда инженер Е.Буковскийга берилган ишончнома мавжуд. Шунингдек, тарафлар ўртасида 2011 йил 3 август куни келишув битими тузилган бўлиб, мазкур келишув битимини ҳам "Сувоқава" ИЧШК директори А.Гайдаров имзолаган.

Бундан ташқари, "Сувоқава" ИЧШК номидан судга берилган даъво аризасида "Сувоқава" ИЧШК директори М.Махкамов, ишончнома ҳамда келишув битимида корхона директори А.Гайдаров, деб қўрсатилган бўлса-да, ушбу ҳўжатларнинг барчасида бир хилдаги имзо мавжуд, яъни М.Махкамов ёки А.Гайдаровнинг ўрнига бошқа шахс имзо қўйган ва даъво аризасини имзолочини шахсининг ваколати биринчи инстанция суди томонидан аниқланмаган.

ХПКнинг 88-моддасида даъвоини қўрмасдан қолдириш асослари қўрсатилган бўлиб, унга қўра, даъво аризаси имзоланмаган бўлса ёки имзоланган ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан ёхуд мансаб мавқеи қўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса, ҳўжалик суди даъвоини қўрмасдан қолдиради, деб белгиланган.

Баён этилганларга қўра, 2013 йил 24 апрелда вилоят прокуратураси томонидан суднинг мазкур ажрими бекор қилиш тўғрисида апелляция протести келтирилди.

Шундай ишлардан яна бири, даъвогар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг ОАТБ "Ўзсаноатқурилишбанк" манфаатини қўлаб Тошкент вилоят ҳўжалик судига даъво аризаси билан қўрилган мурожаатидир. Даъвогар ўз мурожаатида жавобгар "Солих" фермер ҳўжалигидан жами 289 млн. 810 минг сўм ундиришни, 2011 йил 23 февралда тузилган кредит шартномасини мuddатидан олдин бекор қилишни, ундирвни гаровдаги мол-мулк-

ларга қаратишни ва уларнинг бошланғич нархларини белгилаб беришни сўраган.

Тошкент вилоят ҳўжалик судининг 2012 йил 2 апрелда қабул қилинган ажрими билан тарафлар ўртасида келишув битими тузилган, аммо битим шартлари жавобгар томонидан умуман бажарилмаган. Шу сабабли, ариза ОАТБ "Ўзсаноатқурилишбанк" Қибрай филиали 2012 йил 2 апрелда қабул қилган келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажримга асосан ижро варақаси беришни сўраган.

Тошкент вилоят ҳўжалик судининг 2012 йил 16 июлдаги ажрими билан ариза қаноатлантирилиб, келишув битимини тасдиқлаш ҳақидаги ажримнинг 280 млн. 810 минг сўм микдорда кредит қарзини ундириш ҳақидаги қисми мажбурий ижрога қаратилган. Ундирв кредит таъминоти сифатида 2011 йил 3 мартдаги ва 2011 йил 23 августдаги ипотека шартномаларига асосан гаровга қўйилган "Солих" фермер ҳўжалигига тегишли Тошкент вилоти, Қибрай тумани, "Ўнқўрғон" фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган бино-иншоотлар, кафе ва магазин ҳамда 1997 йилда ишлаб чиқарилган "Мерседес бенц" русумли автомашинага қаратилган ва қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда қимомиди савдосида сотиш йўли билан амалга оширилиши белгиланган. Гаров мулкларининг, яъни бино-иншоотларнинг бошланғич сотув нархи 330 млн. сўм, автомашинанинг бошланғич сотув нархи 45 млн. сўм қилиб белгиланган. "Солих" фермер ҳўжалиги ва ОАТБ "Ўзсаноатқурилишбанк" Қибрай филиали ўртасида тузилган 2011 йил 23 февралдаги 29-сонли кредит шартномаси мuddатидан олдин бекор қилинган.

Лекин суднинг 2012 йил 16 июлдаги ажрими билан жавобгар "Солих" фермер ҳўжалигининг 280 млн. 810 минг

Шўҳрат ҲУСЕНОВ,
Тошкент вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

сўмлик кредит қарзини кредит таъминоти сифатида гаровга қўйилган мол-мулк хисобидан ОАТБ "Ўзсаноатқурилишбанк" Қибрай филиали фойдасига ундиришда гаровдаги молхона бино-иншоотлари билан кафе ва магазин биносининг нархи асоссиз равишда умумий қилиб, 330 млн. сўм қилиб белгиланган.

Иш ҳўжатларидан аниқланишича, тарафлар ўртасида тузилган 2011 йил 3 мартдаги гаров шартномасига асосан, молхона бино-иншоотлари 330 млн. сўмга, "Мерседес-бенц" автомашинаси 45 млн. сўмга гаровга олинган. 2011 йил 23 августдаги ипотека шартномасига асосан эса кафе ва магазин биноси 140 млн. сўмга гаровга олинган.

Суд ажримида магазин ва кафе биноси ҳамда молхона бино-иншоотлари бошланғич сотув баҳоси 470 млн. сўм қилиб белгиланиши ўрнига, асоссиз равишда 330 млн. сўм қилиб белгиланган бўлиб, магазин ва кафе биносининг 2011 йил 23 августдаги ипотека шартномасига асосан 140 млн. сўм нархи ажримда қўрсатилмаган.

Баён этилганларга асосан, вилоят прокуратураси томонидан биринчи инстанция судининг 2012 йил 2 апрель ва 2012 йил 16 июлдаги ажримларини бекор қилиб, ишни янгидан қўриш учун биринчи инстанция судига юбориш тўғрисида 2013 йил 25 апрель кун кассация протести келтирилди.

Ҳозирги вақтда ҳўжалик судларида иш юритиш бўйича суд қарорлари доимий ўрганилиб боришмоқда. Аниқланган асоссиз ва қонунсиз суд қарорларини бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисида ўз вақтида прокурор назорати ҳўжатлари қўлланилиб борилади.

Биздан обод ва равон йўллар қолсин

Мустиқли йилларида республикада йўллар қуришга, таъмирлашга катта эътибор берилмоқда. Давлат аҳамиятига молик магистрал йўллар билан бир қаторда шаҳар ва қишлоқлардаги ички йўллар ҳам эътибордан четда қолмади.


Йўлларимизни равон, чироили, кўркем қилиш учун давлатимиз томонидан ҳар йили катта маблағлар ажратилаётди. Булардан самарали фойдаланиб, йўлларимизни обод қилиш ўрнига "Қорақалпоқ автожол" корхонаси масъул ходимлари кўплаб қонунбузилишларга қўл уришган. Уларнинг фаолияти текширилганда, қатор камчилик ҳамда қонунбузилиш ҳолатлари фож этилди.

Корхона Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги буюртмачи "Инжиниринг" компаниясининг масъул ходимлари билан ҳамкорликда 2007-2008 йилларда тегишли ҳўжатларни қалбақлаштириб, давлатнинг 226,7 миллион сўм маблағларини талон-торож қилганликлари аниқланди. Шунингдек, "Қорақалпоқ автожол" корхонаси ва "Инжиниринг" компанияси ходимлари жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2008-2010 йилларда ҳукуматимиз томонидан ажратилган яна 557 млн. сўмлик иш ҳажминини сифатсиз бажарганликлари

аниқланди. Хусусан, корхонанинг жойлардаги пудратчилари "Тўртқўл санат қурилиш", "Ғамхўрчи-Арна", "Ирофил Тахиятош", "Саноат-Сарбий", "Ойдин-Таъмир" МЧЖлари бажарилган ишларга 149 млн. сўм ошмакча маблағ қўшиб ёзиб, талон-торож қилиб юборишди. Улар томонидан яна йўлларни таъмирлаш учун ажратилган 61 млн. сўм бюджет маблағлари ҳам асоссиз сарфланган. Корхонага ишониб топширилган 34 млн. сўмлик иш эса сифатсиз бажарилган. Буларнинг оқибатида бюджетга 244 млн. сўм зарар етказилган. Олиб борилган тергов давомида бундай ҳолатларга йўл қўйган масъул шахслардан 244 млн. сўм тўла ундириб олинди.

Йил сайин транспорт ва коммуникация соҳасидаги қурилишлар ривожланиб, йўлларнинг қурилиш ҳажми ҳам ошмоқда. Қувонарлиси, йиллар мобайнида асфальт тўшамаган маҳаллий ички йўлларга эндиликда эътибор берилиб, таъмирланмоқда. Афсуски, бундай

ижобий ҳаракатларни қўлаб-қувватлаш ўрнига, айримлар ишни сифатсиз "мендан кетгунча, эгасига етгунча" қабилда бажараётганликлари ачинарли ҳолдир. Хусусан, Тўртқўл тумани йўл ҳўжалиғи пудратчи корхонаси "Пахтаобод"-Наврўз-ДФХУ" йўналишидаги йўлларни таъмирлашда шундай ҳолатга йўл қўйишган. Мазкур объектада 70 млн. 611 минг сўмлик иш



бажарилди деб ҳисобот берилган. Аслида эса 2 млн. 518 минг сўмлик иш бажарилган, холос.

"Саноат қурилиш" МЧЖ ва йўл қурилиш ҳўжалиғи Тўртқўл шаҳри ва Ш.Рашидов номи ДФХУ ораллиғидаги йўлни таъмирлашда қўшиб ёзиш ор-

Руслан АТАМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим катта терговчиси

қали 10 млн. 375 минг сўм маблағларни талон-торож қилишган.

Республикада Шимолий-Фарбий халқаро давлат аҳамиятига молик йўлларни таъмирлаш М.Юлдашев зиммасига юклатилган эди. Бу шахс йўл таъмирлаш корхонасининг филиали раҳбари бўлиб, ўз масъулиятини унутган. У 2009-2011 йилларда ҳамтовоклари билан жами 1 млрд. 688 млн. 649 минг сўм микдордаги давлат маблағларини талон-торож қилган. Шунингдек, М.Юлдашев филиалга раҳбарлик қилган даврда яна 1 млрд. 303 млн. 700 минг сўмлик бюджетга тўлашиш керак бўлган турли солиқни тўлашдан қасддан бўйин товланган. Собiq бошлик суд ҳукми билан қонун олдида тегишли жазосини олди.

Ўртбошимизнинг амалдаги йилни "Обод турмуш йили" деб ёллон қилишида катта маъно ва вазифа борлигини асло унутмайлик. Чунки биздан келажақ авлодларга обод ва равон йўллар қолсин.

Маиший муаммолар изидан

Электр энергиядан фойдаланганлик учун бир йиллик тўлов олинган ўтказилган бўлса, электр ҳисоблагич қийёсдовдан ўтказилганидан сўнг шу маблағ ҳисобидан электр энергия корхонасига қайта улашиб, ҳисобланса бўладими?

Электр тармоқларидан қарздорлигим йўқ. Лекин электр ўлчов ускунасини қийёсдовдан ўтказиб, қайта ўрнатганимда яна 50 минг сўм тўлашим лозимлигини айтишди. Шу тўғрими?

Турмуш ўртоғим билан давлат идорасида ишлаймиз. Микрокредит олиб, ойлик маошимиздан тўлаш имкониятимиз бор. Биз гаровга бирор-бир мол-мулк ёки қимматбаҳо буюм қўймасдан гаровсиз кредит олишимиз мумкинми? Қандай имтиёзлар бор? Кредит олиш тартиби қандай?

А.Тожибоев,
Пахтакор тумани

Маиший истеъмолчилар (аҳоли) ўз хонадонларида фойдаланилган электр энергияси учун турмушда қўлланиладиган ток қабул қилгичларнинг қуввати ва вазифасидан ҳамда ҳисобга олиш приборларининг ўрнатилган жойидан қатъи назар, аҳоли учун белгиланган ягона бир ставкали тариф бўйича ҳақ тўлайдилар. Истеъмолчи билан ҳисоб-китоб қилишда у томондан амалда истеъмол қилинган электр энергиясини ҳисобга олиш приборининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сонли Қарори билан тасдиқланган "Электр энергиясидан фойдаланиш Қоидалари"да белгиланишича, электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимида уланган маиший истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш электр таъминоти шартномаси асосида ва олдиндан тўланган тўлов миқёсида амалга оширилади.

Тариф ўзгарганда тариф ўзгарган санага ҳисоб-китоб қилинган электр энергияси ҳажми олдинги тўлов вақтидан бошлаб, ўртача суткалик истеъмол бўйича аниқланади ва унга эски тариф бўйича ҳақ тўланади. Ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари тўлов кунда ёзиб олинган, деб ҳисобланади.

Маиший истеъмолчи ўз хоҳишига кўра, 12 ойдан кўп бўлмаган муддат учун электр энергиясидан фойдаланиш ҳақини олдиндан тўлаб қўйиши мумкин, бу ҳолда тариф ўзгарса ҳам қиймат қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

Маиший истеъмолчилар тўлов бўйича қарздор бўлганда, тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорига, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайдилар.

Тўлов ҳужжатларини ёзиш ва ҳақ тўлаш пайтида йўл қўйилган хатолар, уларнинг аниқланишига кўра, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан даъво муддати мобайнида ҳисобга олинади.

Маиший истеъмолчида амалдаги электр энергияси истеъмоли кўрсаткичларини камайтириш мақсадига ҳисобга олиш приборини улаш схемаси ўзгартирилгани, унинг (истеъмолчи айби) билан бузилгани ёки йўқлиги, пломбалар қўйилгани, электр қабул қилгичлар ҳисобга олиш приборидан ташқари улангани ва бошқа қоидабузилишлари аниқланган тақдирда, худудий электр тармоқлари корхонаси охириги текшириш кунидан бошлаб ўтган (лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган) давр учун маиший истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган электр энергияси ҳақини қайта ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Бундай қайта ҳисоб-китоб қилиниши истеъмолчини

электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги жавобгарликдан озод қилмайди.

Ҳисобга олиш прибори истеъмолчининг айби билан бузилган тақдирда, уни алмаштириш, таъмирлаш, давлат қийёсдовдан ўтказиш ва ўрнатиш, шу жумладан, улаш бўйича худудий электр тармоқлари корхонасининг хизматларига ҳақ тўлаш истеъмолчининг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Ҳисобга олиш приборларини вақти-вақти билан қийёсдовдан ўтказиш "Ўзстандарт" агентлиги томонидан белгиланган муддатларда, худудий электр тармоқлари корхонаси вақили билан биргаликда истеъмолчининг маблағлари ҳисобига амалга оширилиши керак.

Тўлов ҳужжатида хатолар ёки ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичида ноаниқликлар аниқланган тақдирда, истеъмолчи худудий электр тармоқлари корхонасига дарҳол мурожаат қилиши керак.

Худудий электр тармоқлари корхонаси, истеъмолчи мурожаат қилган кундан бошлаб ўн суткадан кечиктирмай, ҳисоб-китобни текшириши, зарурат бўлганда эса ҳисобга олиш приборини кўриқдан ўтказиши керак.

Ҳисобга олиш приборларини кўриқдан ўтказиш ёки тўлов ҳужжатидаги хатоликлар тўғрисида мурожаат қилиш истеъмолчини тўлов ҳужжатидаги тўловни белгиланган муддатда тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

Агар ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларидаги аниқлик чегарасидан огишлар мазкур ҳисобга олиш прибори учун белгиланган аниқлик чегараларидан ортиқ бўлмаса, бундай четга чиқилар йўл қўйилиши мумкин бўлган четга чиқишлар, деб ҳисобланади.

Агар тўлов ҳужжатини текшириш ёки ҳисобга олиш приборини кўриқдан ўтказишдан кейин (шу жумладан, истеъмолчи мурожаат қилмаса ҳам) қайта ҳисоб-китоб қилиш зарурлиги аниқланса, бундай қайта ҳисоб-китоб худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергияси учун навбатдаги тўлов ҳужжатини ёзишда амалга оширилади.

Ҳисобга олиш прибори истеъмолчининг айби билан бузилган (пломбаси бузилган, ойнаси синган ва шу кабилар), ҳисобга олиш приборини ишга тушириш схемаси ўзгарган, ҳисобга олиш приборидан ташқари электр қабул қилгичлар уланган ёки электр энергияси бошқача усулда ўғирланган ҳолларда, худудий электр тармоқлари корхонаси истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўйишга ҳақлидир ва ҳисобга олиш приборлари охириги марта ўзгартирилган ёки уларни улаш схемаси текширилган кундан бошлаб бу

тун ўтган, аммо даъво муддатидан кўп бўлмаган давр учун электр қабул қилгичларнинг уланган қуввати ва истеъмолчининг электр таъминоти шартномасида кўрсатилган ишлаш соатлари бўйича энергия сарфини қайта ҳисоблаб чиқиши шарт.

Электр энергияси сарфини қайта ҳисоб-китоб қилиш истеъмолчини электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги жавобгарликдан озод қилмайди.

Электр энергиясини ҳисобга олиш истеъмолчининг айби-сиз вақтинчалик бузилганда етказиб берилган электр энергияси учун қилинган ҳисоб-китоб худудий электр тармоқлари корхонасининг қарори бўйича, ҳисобга олиш бузилишига қадар бўлган олдинги ҳисоб-китоб давридаги ёки ҳисобга олиш тиклангандан кейинги даврдаги ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади.

Электр энергиянинг ўртача суткалик сарфи бўйича ҳисоб-китоб қилиш даври бир ойдан ошмаслиги керак, шу вақт ичида ҳисобга олиш тикланиши зарур.

Агар ҳисобга олиш приборини объектив сабабларга кўра, кўрсатилган муддатда тиклаш имконияти бўлмаса, истеъмолчи етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва ҳисобга олиш тиклаш муддати истеъмолчи ва худудий электр тармоқлари корхонасининг икки томонлама битими билан белгиланиши керак.

Кредит олиш борасидаги саволингизга тўхталадиган бўлсак, бу жараённинг барчаси сиз ва банк ўртасида тузилладиган кредит шартномаси шартларига, сиз олмоқчи бўлган кредит тури ва мақсадга боғлиқдир. Хусусан, олиннадиган кредитнинг қайтарилиш кафолати сифатида мол-мулк ўрнига банкка қўйидаги таъминот турларидан бирини тақдим этиш мумкин:

банк ёки сугурта компанияси кафолати;
учинчи шахс кафиллиги;
қарз олувчи томонидан олинган кредитни қайтарилмаслик хатарининг банк-бенефициар фойдасига сугурта қилинганлиги тўғрисидаги сугурта полиси.

Шу билан бирга, олиннадиган кредит туридан келиб чиқиб, кредит ҳисобига олиннадиган нарса (товар)нинг ўзи ҳам мазкур кредит бўйича гаров предмети бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бундай ҳолларда, сотиб олиннадиган ва келгусида гаров предмети бўладиган нарса(товар) ўғирланиши, табиий офатлар натижасида нобуд бўлиш ҳолларида банк фойдасига сугурта қилинади.

Шунинг учун, энг аввало қандай мақсадлар учун кредит олишни аниқлаб олиб, турар жойингиздаги тижорат банкларида бирига мурожаат қилишингиз лозим.

Нима бўлади?

Фарзандим шу йил иккинчи мутахассисликка ҳужжат топшироқчи. Агар ўғлим ўқишга кирадиган бўлса, тўлов контракт пулини иш ҳақимдан тўлаб, солиқ имтиёзидан фойдалансам бўладими? Бундай дейишимга сабаб, ўғлим иккинчи олий мутахассислиқни эгаллайди. Директоримиз ҳам бу мумкин бўлмаса керак деяпти. Сиз нима дейсиз?

Ш.Шарипова,
Янгибозор тумани

Амалдаги Солиқ кодексининг 179-моддасида фарзандларининг олий ўқув юртларидаги тўлов-контракт асосидаги ўқиши учун ота-онанинг иш жойидаги иш ҳақи ва бошқа даромадлари йўналтириш учун фарзанд йигирма олти ёшдан ошмаган бўлиши лозимлиги белгиланган. Бунда фарзанднинг олий ўқув юртдаги таълими ҳисоб бўйича нечанчиси эканлиги чегаралаб қўйилмаган. Агар ушбу шартлар сизнинг ҳолатингизга мос келса, Солиқ кодексидagi бу имтиёздан фойдалансангиз бўлади.

Фарзанд ташвишида

Ўғлимни сафарбарлик қақрувида ҳарбий хизматни ўташи учун ҳарбий комиссариат билан тузилган шартномага кўра икки миллион икки юз минг сўм миқдорига тўлов қилишимиз керак. Бу пулнинг асосий қисмини тўладик. Қолган суммани яқин кунларда тўлаш имкониятидаман. Лекин шу тўлов давомида менинг иш ҳақимдан даромад солиғи ушлаб қолинмоқда. Шу тўғрими?

А.Ибрагимов,
Зомин тумани

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Солиқ кодексига жисмоний шахслар учун қатор имтиёзлар белгиланган. Бироқ фарзандининг сафарбарлик қақруви резервидаги ҳарбий хизматни ўташи учун белгиланган тўловни амалга оширишда иш ҳақидан ундирилладиган да-

ромад солиғи бўйича ҳеч қандай имтиёз мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларидан йўналтирилган суммаларидан даромад солиғи олинмайди.

"Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳолимлар, иш бевурилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда, меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, ҳаққоний ва ҳавфсиз меҳнат шарт-шароитларини, ҳолимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғи ҳимоя қилинишини таъминлайди, меҳнат унвондорлигининг ўсишига, иш сифати яхшиланишига, шу асосда барча аҳолининг моллиги ва маънавий турмуш даражаси юксалишига қўмақлашади".
(Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 2-моддаси)

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Huquq» газетасининг info@huquq-gazeta.uz электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос Дониёр ХАЛИЛОВ жавоб бери.



Суд-ҳуқуқ ислохотларида ҳакамлик судларининг ўрни

Ҷамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш борасидаги ишлар бүгунги кунда изчиллик билан давом эттирилмақда. Мазкур йўналишдаги ислохотлар истиқлолнинг нақ йилларидаги босқичма-босқич ҳамма самаралар олиб борилаётгани хорижий экспертлар томонидан тан олинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 ноябрдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони суд кадрларини танлаш тизимини такомиллаштириш ва шу орқали судлар мустақиллигини янада кучайтириш вазифаларини қамраб олганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, унда судья лавозимларига кадрлар захирасини шакллантириш тизимини тубдан янгилаш зарурлиги ҳар жиҳатдан асослаб берилган. Айни чоғда судьяликка номзодлар яхши тайёргарлик кўрган, малакали, катта ҳаётий тажрибага, обрў-эътиборга, ихтисослиги бўйича зарур иш стажига эга юристлар орасидан танлаб олиниши назарда тутилгани ҳам эътиборга молик.

Президентимизнинг мазкур Фармонида фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлар, туман (шаҳар) судлари ҳамда ҳўжалик суди судьяси лавозимига 30 ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга эга бўлган, юридик ихтисос бўйича камида беш йил иш стажига эга бўлган фуқароларнинг тайинланиши белгиланб қўйилган бўлиб, дунё таърибасидан ҳам маълумки, ана шундай имконият ва салоҳиятга эга судьялар одил судловни муваффақиятли тарзда амалга оширадилар. Қолаверса, захирали шакллантириш ишлари Олий малака комиссиясининг раҳбарлик қилиши ҳам ижобий ҳолатдир. Бундан ташқари, мазкур ҳужжат асосида судьяларнинг хизмат поғонаси бўйича ўсишини таъминлаш, уларни ижтимоий муҳофазаси қилиш, яъни лавозимга қайта тайинлаш, ваколати тугагандан сўнг ишга жойлаштириш даврида ижтимоий муҳофазаси қилиш механизмларини кучайтириш юзасидан муайян чора-тадбирлар кўрилатгани муҳим амалиёт деб баҳоланмоқда.

2012 йил 19 сентябрда кучга кирган "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни соҳа ислохотларини янги босқичга қўтаришда ўзига хос дастуриламал бўлмоқда. Зотан, ушбу ҳужжат билан "Прокуратура тўғрисида"ги ва "Судлар тўғрисида"ги Қонунлар ҳамда Жиноят-процессуал, Фуқаролик-процессуал кодексларига бир қанча ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, судга қадар иш юритиш босқичида прокурор ва терговчи томонидан қўлаб келинган айбланувчини лавозимидан четлатиш, шахсни

тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судья санкцияси асосида амалга ошириш тартиби жорий этилди.

Алоҳида эътибор ва эътирофга молик бўлган "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2007 йил 1 январдан кучга кириши эса суд-ҳуқуқ ислохотлари тизимида янгилик сифатида қабул қилинди.

Собик совет қонунчилигида ҳам Ҳакамлик судлари тўғрисидаги нормалар бор эди, бироқ иқтисодий ва рақобат эркинлигининг мавжуд эмаслиги ҳамда ҳусусий тадбиркорликка бўлган салбий муносабатнинг ҳукмронлик даражаси демократик тамойилларга асосланган Ҳакамлик суднинг тўлақонли шаклланишига имкон бермади.

Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинб, 1992 йил 20 мартда Киев шаҳрида имзоланган ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш тартиби тўғрисидаги битим бизга МДҲ давлатларининг ваколатли судлари қарорларини тан олиш ва халқаро ҳусусий ҳуқуқнинг муҳим қоидаларидан бири — тарафларнинг низо кўриши Ҳакамлик (арбитраж) судига топшириш тўғрисида битим тузиш имкониятини берди ва бу низога давлат органларининг аралашмаслиги мустаҳкамлаб қўйилди.

"Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг эътиборли жиҳатларидан бири — Ҳакамлик судлари ҳўжалик ва мулк муносабатлардаги низоларни ҳал қилишда даъвогар тараф даъво аризаси билан Ҳакамлик судига мурожаат қилганда давлат божи тўлашдан озод этилади. Ҳакамлик суди фаолиятида қонунийлик, судьяларнинг мустақиллиги (хотислиги), суд муҳокамаси маълумотларининг ошкор этилмаслиги, Ҳакамлик суди муҳокамасида тортишувлик ва тарафларнинг тенглиги муҳим тамойилларидан бўлиб ҳисобланади.

Ҳакамлик судларининг ташкил этилишида ҳам кучли демократик асослар мавжуд. Ҳакамлик судлари нодавлат судлар туркумига кирганилиги сабабли уларни давлат органлари тузиши мумкин эмас ва улар чиқарган ҳал қилув қарорлари бирор-бир давлат органи томонидан мазмунан текширишга йўл қўйилмайди.

Ҳакамлик судлари ҳўжалик ва фуқаролик муносабатлардан келиб чиққан низоларни кўриб, ҳал этади. Бунда маъмурий, меҳнат ва оила муносабатларидан келиб чиқадиган низолар Ҳакамлик судида

кўрилмайди.

Низоларни Ҳакамлик суди ихтиёрига топшириш ҳар иккала тараф (даъвогар ва жавобгар)нинг ўзаро розилиги асосида тузилган келишув, яъни ҳакамлик битими воситасида рўйжа чиқади. Ҳакамлик битими қонунда белгиланганидек ёзма шаклда ифодаланади. Мазкур битим тўғрисидаги қоидаларга риоя этмаслик Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг бекор қилинишига олиб келади.

Ҳакамлик муҳокамаси тарафларнинг хоҳиш-иродасини эркин тарзда ифода этиш асосида олиб борилади. Бу жараён Ҳакамлик судлари тўғрисидаги қоидаларга риоя этмаслик Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг бекор қилинишига олиб келади. Ҳакамлик муҳокамаси тарафларнинг хоҳиш-иродасини эркин тарзда ифода этиш асосида олиб борилади. Бу жараён Ҳакамлик судлари тўғрисидаги қоидаларга риоя этмаслик Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг бекор қилинишига олиб келади. Ҳакамлик муҳокамаси тарафларнинг хоҳиш-иродасини эркин тарзда ифода этиш асосида олиб борилади. Бу жараён Ҳакамлик судлари тўғрисидаги қоидаларга риоя этмаслик Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг бекор қилинишига олиб келади.

Ҳакамлик суди низо ҳолатлари ҳар томонлама ва тўла текширилди деб ҳулоса қилганидан сўнг ҳал қилув қарорининг фақат ҳулоса қисминини ўқиб беришга ҳақли. Бундай ҳолда ҳал қилув қарорининг тўла матни ўн кун ичида тарафларга юборилиши зарур. Эътироф этиш лозимки, Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори эълон қилинган вақтдан эътиборан кучга қиради ва ихтиёрий равишда ижро этилиши керак. Ҳал қилув қарори устидан шикоят қилинмайди, шу боис Ҳакамлик суди қарорлари апелляция, кассация ёки назорат тартибидан қайта-қайта тафтиш этилиб текширилмайди.

Ҳакамлик судининг асосий вазифаларидан бири қарама-қарши тарафларнинг ўзаро манфаат ва ҳамкорлик ришталари узилишига йўл қўймаслик ва уларни мурося маддарага келтиришдир. Шу сабабли Ҳакамлик суди барча қонуний воситаларни қўлаб, уларнинг келишув битими тузишга бўлган мойиллигини рағбатлантириши мақсадга мувофиқдир.

Ҳакамлик суди муҳокамасининг демократлиги яна шу билан белгиланадики, ҳатто ҳал қилув қарори чиққандан сўнг ҳам тарафларнинг асосли ёзма эътирозларига кўра ўн кун ичида ҳал қилув қарорининг мазмунига дахлдор қўшимча ҳал қилув қарори ёки ҳал қилув қарорининг мазмунини тушунириш бўйича ажрим чиқарилиши мумкин. Бинобарин, тарафларнинг тақлим ва эътирозлари ҳар қандай ҳолатда ҳам эътиборсиз қолдирилмайди. Ҳаттоки, шундай вазиятда кейин ҳам Ҳакамлик судининг

ҳал қилув қарори юзасидан низолашиш мумкин, бироқ бу низолашиш Ҳакамлик суди муҳокамасини текшириш ва ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишни истисно қилади.

"Ҳакамлик суди тўғрисида"ги Қонуннинг 49-, 50-моддаларига кўра, Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори белгиланган тартибда ва муддатда ихтиёрий равишда ижро этилиши зарур. Агар Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ихтиёрий тартибда ижро этилмаса, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ижро этиш мажбурий тарзда амалга оширилади.

Ҳўжалик ва фуқаролик низоларининг Европа ва АҚШда кейинги юз йил ичида ҳакамлик судларида қўрилиши амалиёти шунини кўрсатмоқдаки, ҳакамлик судлари аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектлар учун қулайлиги, ихчамлиги, камчиқимлиги, шахсий ва тижорат сирининг ошкор этилмаслиги, ҳар қандай низога қисқа муддатда ва бир марта процедураси тартибда ҳал этилиши каби ва бошқа афзалликлари уларни оммабон ҳуқуқий институт даражасига олиб келди. Биргина мисол, АҚШда даъво талабларининг 90 фоизи ҳакамлик судларида ҳал этилмоқда (Германия, Франция ва бошқа ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 75-92 фоизни ташкил этади).

Ҳакамлик судлари фаолиятини янада ривожлантириш кўп жиҳатдан "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Қонуннинг тегишли қоидаларини муттасил тарзда такомиллаштириб боришни тақозо этади. Шу муносабат билан Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини ижро этиш билан боғлиқ айрим муаммоларга оид фикрий мизини билдиришни жоиз, деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, ваколатли (фуқаролик, ҳўжалик) судларининг ҳал қилув қарорларини қонуний кучга киргандан сўнг ижро этилади. Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари асосида ўша ваколатли судлар томонидан дарҳол ижро варақаси берилади (Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 218-, 371-моддалари, ХПКнинг 146-, 210-моддалари).

Бундай қоида мантиқан тўғри ва қолаверса, у халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган андоза ва тамойилларига мос.

"Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 38-моддаси 2-қисмида белгиланганидек, Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган пайтдан эътиборан кучга қиради. Ҳакамлик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари белгиланган муддатда ихтиёрий ижро этилмаса, улар мажбурий тартибда ижро варақаси бериш орқали ижро этирилади.

Бунда манфаатдор тараф томонидан ваколатли судларга ижро варақаси бериш тўғрисида ариза берилади ва

И.МАРДОНОВ,
Ўзбекистон Савдо-саноат
палатаси Бухоро вилоят
худудий бошқармаси ҳузуридаги
Ҳакамлик суди раиси

бу аризани ваколатли судлар томонидан кўриб чиқирилиш номуайян муддатга қўзилади (қонунда аниқ муддат белгиланмаган). Натижада Ҳакамлик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бўйича ижро варақаси бериш муддати ойларга қўзилиб кетади.

Бундай ҳолатлар "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Қонуннинг таъсирчанлигини усайтиради ва Ҳакамлик судлари обрўсига ва оммалашувиға салбий таъсир кўрсатади, деб ўйлаймиз.

Юқорида айтилганларга кўра, "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Қонуннинг 52-моддаси 2-қисми қуйидаги сўзлар билан тўлдирилса, мақсадга мувофиқ бўларди: "... ваколатли суд ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани узоғи билан ўн кун муддат ичида кўриб чиқади ва мазмунан ҳал этишга қаратилган ажрим чиқаради". Шунингдек, қонуннинг 53-моддасида "Ваколатли суд ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқаётганда Ҳакамлик суди аниқланган ҳолатларни текширишга ёки Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас", дейилган.

Амалиётда эса айрим ҳолларда ваколатли судлар қонуннинг юқорида қайд этилган талабидан четга чиқиб, ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш чоғида Ҳакамлик суди аниқланган ва таҳлил этган материалларни, далилларни такрорий равишда текширади, тарафлар ва гувоҳларни қайтадан сўроқдан ўтказида.

Баён этилганлардан келиб чиқиб, "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Қонуннинг 53-моддасига қуйидаги қўшимчани киритиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз: "Ваколатли суд ижро варақасини бериш тўғрисидаги аризани муҳокама қилаётганда қонуннинг фақатгина 47-моддасида назарда тутилган асослар бўйича гувоҳларни, тарафларни ва бошқа иштирокчиларни сўроқ қилиши ва далилларни текшириши ва таҳлил этиши мумкин". Ана шундай ҳолатдагина ваколатли судлар ижро варақасини бериш тўғрисидаги аризани муҳокама этиш чоғида ўз ваколатидан четга чиқиб, қонуний асос бўлмайдиган туриб, Ҳакамлик суди мажлисида аниқланган ҳолатлар бўйича қайта текшириш ўтказмайди.

Хулоса қилиб айтганда, мустақил Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотларининг такомиллашуви мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини тўлақонли шакллантириш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофазаси қилишни халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган даражасида таъминлаш имконини беради.

Бебошлик

УЧ КИШИНИНГ ЎЛИМИГА САБАБ БЎЛДИ

Ўйламасдан қилинган хатти-ҳаракат улкан фожиага сабаб бўлиши мумкинлигини олатда ҳеч ким назарда тутмади. Бироқ бебошликнинг оқибати ҳар доим вой.

Неъматжон АСКАРОВ,
Хонқа туман прокурори
ёрдамчиси
Ойбек ЖУМАНИЕЗОВ,
«Huquq»



Хоразм вилоятининг Хонқа туманида яшовчи, 1987 йил туғилган Азамат Аҳмедов вақтинча ишсиз. Унинг ота-онаси Россия Федерациясида ишлабди. Ота-онасининг минг машаққат билан топган пулларини сарфлар экан, Азамат ўзини бой-бадавлат кимсадек ҳис қилади.

Шу йил январь ойида Азамат фуқаро Ражаббой Отаевдан "Матиз" автомашинасини харид қилади. Келишилган пулни тўлиқ бермаганлиги туфайли Р.Отаев машинани унинг номига расмийлаштирмайди. Азамат "Машинани ҳайдамайман, уйимга олиб бориб қўяман", дегани учун унга ишончнома ҳам бермайди. Аммо "тойчоқ"нинг жиловини тутган Азамат ваъдасида турармиди. У хатто машина ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум қилинганлигини ҳам унутиб юборди. Бу ҳам етмагандай, машинани бошқариш қоидаларини яхши билмас, уларга амал қилмасди.

"Қўза кунда эмас, кунда синади", дейдилар. Мартнинг тўртинчи куни эди. Азамат то-

ғаси Анварнинг янги қурилаётган иморатини тиклаш ишларига кўмаклашиш учун эрталаб "Матиз"ни ҳайдаб йўлга чиқди. Кечкурун амакиваччаси Акмал билан Хонқа тумани марказидаги балиқхонага боришди. Ҳар қалай, қариндошларнинг томоғидан ароқсиз балиқ ўтмади. Балиқхонадан чиқиб, дўсти Викторнинг ёнига боришди.

— Маст ҳолда ҳам машина ҳайдайсанми, — Виктор ундан машинани ташлаб, пиёда кетишини ёки ўзи олиб бориб қўйишини илтимос қилди. Бироқ маст одамга ақл ўргатиб бўлмайди деганларни рост экан. Азамат оғайнисининг гапига кулоқ солмади. Кечки соат тўққизлардан ўтганда қариндошини уйига ташлаш учун йўлга чиқди.

"Қирқёп" кишлоғи томонга қараб тахминан соатига 70-80 километр тезлик билан автомашинасининг узоқни ёритувчи фарасини ёққан ҳолда бошқариб бораётганда, йўлнинг қарама-қарши томонидан оқимтир рангли "Дамас" русумли автомашина турганлигига қўзи туш-

ди. Машина фараси ёниқлигидан қўзи қамашди. Бироқ машинани тўхтатишни ҳаёлига келтирмади. Ҳаракатда давом этди. Зум ўтмай машинаси нимагадир урилганини пайқайди. Қўрқув ичида қолган йигит оғайниси Викторниқига қайтиб борди. Виктор Азаматнинг тоғасига қўнғирок қилди. Тез орада ИИБ ходимлари етиб келишди.

... "Дамас" автомашинасини Самандар ака Якипов бошқариб келганди. Шу куни ўғлини туғилган куни бўлиб, машинада турмуш ўртоғи, қудаси ва унинг қизи, келини ва наваралари бор эди. Раёно момонинг қизи Гулистонни уйи ёнида тушириш учун тўхтатганди. Турмуш ўртоғи Гавҳар, келини Гулистон машинадан ту-

шишди. Олдинги ўриндикда ўтирган Раёно момо ҳам тушди. Самандар ака унинг машинаси томон катта тезликда машина келаётганини кўриб, узоқни ёритувчи ричагини кўтариб, ишора қилди. Бироқ қарама-қарши томондан келаётган автомобил эгаси ишорани эътибор қилмади. Машина "Дамас"га қараб келаётганини кўрган Самандар ака қўрқиб кетганидан кўзларини юмиб олди. Қўзини очганида машина турмуш ўртоғи Гавҳар, Раёно момо ва Гулистонни уриб юборганини кўрди. Тез орада "тез ёрдам" машинаси ҳам келди. Самандар ака ҳаяжонланганидан уларни уриб кетган машина рангини ҳам, русумини ҳам билмай қолди.

«Удабурон»

Самарқанда шахрида истиқомат қилувчи Наргиза Абдураззоқова касб-ҳунар коллежининг кинология факультетини тугатгач, ўқишни давом эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси қошидаги сержантлар таркибининг тайёрлаш Олий курсига ҳужжат тайёрлай бошлади. Биринчи йили тиббий кўрикдан ўтолмаганлиги учун ўқишга киролмади. Иккинчи йили яна ўқишга кириш учун тайёргарлик кўра бошлади.

Жавлон САНАЕВ,
Самарқанд вилоят прокурори
ёрдамчиси

Рустам қизининг ўқишга кириши учун керакли бўладиган барча ҳужжатларини олиб кетди. Орадан кўп ўтмай у ўз автомашинасида бир нотаниш киши билан Насиба опанинг уйига келди.

— Опа, қизингизнинг ўқиши ҳал бўлаяпти, ҳаммасини гаплашдим. Ҳозир менга тиббий кўрикдан ўтказиш учун 1000 доллар, ўқишга кириш учун 4000 доллар беришингиз керак, — деди.

Аёл Рустам сўраган пулни бериб, "Нима бўлса ҳам шу йилдан қолмасин, қизим ўқишга кирса бас", деди.

Рустам аёлга қоп-қоп ваъдаларни бериб, жуфтакни ростлади. Шу орада Наргиза тиббий кўрикдан ўта бошлади, аммо у бу сафар ҳам, баъзи сабабларга кўра яна ўтолмади. Бундан хабар топган Рустам, яна телефон қилиб:

— Опа, қизингизни тиббий кўрикдан ўтказишга яна 1500 доллар берсангиз, ишингизни тўғирлаб бераман, — деди.

Хуллас, 2011 йилнинг 20 июнь куни Рустам Насиба опадан 1500 АҚШ долларини олиб кетди. Аммо бу билан ҳам Наргиза тиббий кўрикдан ўтолмади. Орадан бир ой вақт ўтгач, Рустам аёлга:

— Опа, афсуски, қизингизни ўқишга киритолмадим. Пул-

ларингизни яқинда қайтараман, — деди.

Шундан сўнг йигит Насиба опага эрта-индин дея ваъда бера бошлади, бироқ пулларни қайтармади. Уни излаб квартирага борса, уй эгасига маълум қилмасдан, оиласи билан уйдан кўчиб кетган экан. Насиба опа шундан сўнг Рустамнинг ота-онаси яшайдиган уйга йўқлаб борди. Улар ҳам "Биз ҳеч нарсани билмаймиз", дейишди. Ноилоҳ қолган аёл алданганини билиб, Рустам Сатторов устидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга арз қилди.

Суриштирув-тергов чоғида унинг яна бир айби очилиб қолди. Рустам таниши Р.Ражабовдан "Ласетти" русумли автомашинани 13 минг 300 АҚШ долларига келишиб, қарзга олган, яъни автомашинанинг 3 минг 300 долларини бериб, қолганини уч ойдан сўнг беришини айтган. Бу орада у автомашинани О.Тиркашевга 10 минг АҚШ долларига сотиб юборган. Автомашинани расмийлаштиришга келганди, пулни олган шоввоз "қўнғининг сурагини чизган". Иккала йигитни лақиллатиб кетган Рустам анча вақт Қорақалпоғистон Республикасида яшириниб юрди.

Орадан бир мунча вақт ўтиб, Самарқанд шахрига келган Рустам Сатторов зудлик билан қўлга олинди. Суд унга нисбатан 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади. Шунингдек, ундан Н.Абдураззоқова фойдасига 11 млн. 139 минг 700 сўм, О.Тиркашев фойдасига 17 млн. 249 минг 400 сўм ундирилди деган бўлди.

Айни кунларда республикада олий ўқув юртларига кириш учун ҳужжат топшириш жараёни жадал кетмоқда. Шу сабабли, ўқишга кириш илмининг айтиришлари оғоҳлантиришни мақсад қилиб, қуйидаги воқеани эътиборингизга ҳавола этишни лозим топаик. Зеро, ўқишга кириш иштиёқида юрган йигит-қизларимиз фирибгарларнинг "фалон долларга ўқишга киришти қўяман", деган ваъдаларига ўчиб, охир-оқибатда чув тушиб қолаётганликлари мана шу воқеада яна бир бора ўз тасдиғини топган.

Алдовларга учманг!

Дилкаш ХАЙДАРОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим катта терговчиси

Тошкент автомобиль ва йўллар институти кафедра мудири Фаарида Акромова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳамда кафедранинг ассистенти Файбулла Алиевлар фуқаро Абдурахим Нурматовни институтга кириштиб қўйиш эвазига ундан 5 минг АҚШ долларини миқдорда "хизмат ҳақи" сўрайдилар.

— Шу пулни берсангиз, жиянингиз муаммосиз ўқишга кирди, — дейди қроғоздаги ёзувни А.Нурматовнинг қариндоши Наима Илҳомовага кўрсатар экан Ф.Акромова. Файбулла ҳам уни қўллаб туради.

Уларнинг ваъдалария-ю, алдовларига учган қариндошлар пулнинг бир қисmini абитурент ўқишга киргандан сўнг беришларини айтганлариди, Ф.Алиев кўнмайди. Ҳар куни Н.Илҳомовага қўнғирок қилиб, пулни тезроқ олиб келишларини талаб қилади. Бу қистовлар жонига теккан Н.Илҳомова нихоят фирибгарларнинг ниятларини тушуниб етати ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларига мурожаат қилишга мажбур бўлади.

Пул олди-берди қилинадиган манзилни келишиб олишгач, "ҳожатбарорлар" бу ерга келиб, ўз мижозларини кута бошлашди. Кўп ўтмай улар ҳам етиб келишди ва...

Шундай қилиб, ҳаром пул илмининг жияноятга қўл урган Ф.Акромова ва Ф.Алиевлар 5 минг АҚШ долларини олаётган вақтлариди қўлга олинди.

Уларнинг айблари терговда тўпланган ва судда текширилган далиллар билан тасдиқланди. Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди Ф.Акромовага 7 йил 6 ой, Ф.Алиевга эса 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш ҳақида ҳукм чиқарди.

Қўшиб ёзишлар оқибати



Тасаввур қилинг, уйин-ғизни таъмирлатиш учун уста чакирдингиз. Ўзаро келишувга кўра, иш якунланганидан кейин у бажарган ишлари ва харажатларини айтадиган, сиз эса ҳақини тўлайдиган бўлдингиз. Таъмирлаш ишлари тугагандан сўнг уста қўлингизга сарфланган қурилиш материаллари ва бу тўғридаги харажатларнинг қўлёзма рўйхатини тўтқазди. Қоғозда анчагина катта сумма кўрсатилган бўлиб, оддий туюлган ишда ҳам катта миқдордаги қурилиш ашёлари сарфланганлиги қайд этилган. Биргина ҳовли йўлагига сизнинг ҳисоб-китобингизга кўра, 50 ёки 100 килограмм цемент хомашёси ишлатилиши керак эди. Бироқ устанинг рўйхатига кўра, бу жойга 200 килограмм цемент ишлатилган. Ҳовлини кўздан кечиранкансиз, рўйхатда бошқа ишлар учун ҳам мўлжалдагидан кўпроқ материал сарф этилгани ёзилганга амин бўласиз. Шундай бўлса-да, уста билан ҳисоб-китоб қиласиз. Кўп ўтмай қурилиш ишлари ҳисоб-китобини яхши биладиган танишингиз уйингиздаги таъмирлаш ишларининг умумий баҳосини айтганда ҳайратдан ёқа ўшлайсиз. Чўнқи танишингиз айтган сумма устанинг сизга қолдирган рўйхатдагидан анчагина кам эди. Шу онда уста қурилиш материалларини қўшиб ёзганлигини, ҳатто ишлатилмаган материаллар учун ҳам ҳақ тўлаб юборганлигини тўшунасан. Албатта, устанинг бундай қилмишидан ранжийсиз.

Муборак газни қайта ишлаш заводи унитар шўъба корхонасига етказилган катта миқдордаги моддий зарарни ҳам ана шундай ҳолатга қиёслаш мумкин. "Vatan" савдо ишлаб чиқариш хусусий корхонаси ҳамда "Grant-Ellada" масъулияти чекланган жамияти 2008-2010 йиллар мобайнида заводнинг буюртмасига кўра, қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириб келган. Бироқ харажатлар ҳисоб-китобида 2 x 2-5 қабилда иш тўтилган, яъни иккита объектда икки тоннадан цемент ишлатилган бўлса, жами тўрт тонна эмас, беш тонна деб ҳисобланган.

Вилоят архитектура ва қурилиш бош бокшмасининг 2010 йил 5 июлда тасдиқланган "Қарши-Шахрисабз автомобил йўллари атрофини обodonлаштириш ва кўкalamзорлаштириш, мавжуд бинолар ва иншоотларни таъмирлаш, атрофларини тартибга солиш тадбирлари"нинг 4-бандига кўра, Яккабоғ тумани чегарасидан Қорамурча қишлоғигача бўлган ҳудуддаги 110 та якка тартибдаги уй-жойларнинг олд қисmini бўяш ва томини черепица билан ёпиш Муборак газни қайта ишлаш заводи унитар шўъба корхонаси ҳомийлигига топширилган. Шунингдек, Қарши шаҳри 5-миттитумандаги 8-сонли кўп

қаватли уйнинг том қисmini таъмирлаш ишлари ҳам мазкур корхона зиммасида эди. Қолаверса, корхонанинг манзили дастурига асосан Муборак туманидаги Хитой қишлоғида товуқхона қуриш ишларини амалга ошириш ҳам режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги 2003 йил 6 майда қабул қилинган Фармонида кўра, лойиҳа ва қурилиш ишлари бозорида рақобатни таъминлаш учун танлов савдолари (тендер)ни ташкил этиш лозим. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2003 йил 3 июлдаги Қарорига кўра, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига молиялаштирилган капитал қурилиш билан боғлиқ товарлар, ишлар ва хизматлар хариди фақат танлов натижалари бўйича амалга оширилиши кераклиги белгиланган. Бироқ Муборак газни қайта ишлаш заводи унитар шўъба корхонаси директори бўлиб ишлаган У.Умаров тендер танловини ўтказмай завод ва "Vatan" савдо ишлаб чиқариш хусусий корхонаси ўртасида 2010 йил 22 мартда ўзаро шартнома имзолаётди ҳамда 22 июлда қўшимча келишув битими тузиб, қурилиш-таъмирлаш ишларини бажаришни мазкур хусусий корхона зиммасига топширади. Бу эса "Vatan" савдо ишлаб чиқариш хусусий корхонаси директори Тонготар Амоновга қўл келди. Ҳеч қандай рақобатчиларсиз катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари режасини қўлга кириштириш учун катта ютуқ саналарди.

"Vatan" савдо ишлаб чиқариш хусусий корхонаси томонидан 2010 йилнинг июль ва август ойларида Яккабоғ тумани чегарасидан Қорамурча қишлоғигача бўлган ҳудуддаги 110 та якка тартибдаги уй-жойларда 166 миллион 326 минг 961 сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилганлиги тўғрисида ҳужжатлар расмийлаштирилади. Худди шунингдек, шартномага асосан Қарши шаҳри 5-миттитумандаги 8-сонли кўп қаватли уйнинг том қисмида 2010 йил ноябрь ва декабрь ойларида 205 миллион 661 минг 808 сўмлик таъмирлаш, 2010 йил август-октябрь ойларида заводнинг товуқхона биносида 116 миллион 354 минг 633 сўмлик қурилиш ишлари бажарилганлиги тўғрисида далолатнома ва ҳисоб-варақлар расмийлаштирилади. Бироқ ҳужжатларда келтирилган рақамлар шўъба уйғотарди.

Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорида "Буюртма-чи билан пудратчи ўртасида

келишув мавжудлигидан қатъи назар, қуриш ва реконструкция қилишнинг ҳисоб-китоб (смета) қиймати ошишига йўл қўйилган объектлар бўйича танлов савдолари натижалари бўйича тузилган шартномада назарда тутилган шартларнинг ўзгариши қилиниши ҳукумат даражасида тасдиқланиши керак бўлган объектларнинг манзили рўйхатларини тасдиқлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг қарори қабул қилинган тақдирдагина қабул қилинган деб ҳисобланади", дейилган. Бироқ мазкур объектларни қабул қилиб олишда завод масъул ходимлари эътиборсизликка йўл қўйдилар. Текширувлар натижасида "Vatan" савдо ишлаб чиқариш хусусий корхонаси томонидан 110 та якка тартибдаги уй-жойларда амалга оширилган таъмирлаш ишлари юзасидан тузилган далолатнома ва ҳисоб-варақ фактурага аслида сарфланмаган 1 тонна-ю 967 килограмм, баҳоси 6 миллион 982 минг 378 сўмлик бўёқ, 236,88 килограмм, баҳоси 748 минг 541 сўмлик колер, 873 минг 620 сўмлик шифовка қорғози, 15 миллион 419 минг 989 сўмлик ишчиларнинг меҳнат ҳақи, пудратчининг 11 миллион 512 минг 789 сўмлик бошқа харажатлари, жами 63 миллион 465 минг 808 сўмлик ушбу объектга ҳақиқатда сарфланмаган қурилиш материаллари ва харажатлар қурилиш нормативларидан ошириб кўрсатилганди. Шунингдек, Қарши шаҳри 5-миттитумандаги 8-сонли кўп қаватли уйнинг таъмирлаш ишларида ҳам жами 26 миллион 606 минг 833 сўмлик сарфланмаган қурилиш материаллари ва меҳнат харажатлари қўшиб ёзилганлиги аниқланди. "Vatan" савдо ишлаб чиқариш хусусий корхонаси томонидан товуқхона биносида амалга оширилган қурилиш ишларида ҳам жами 3 миллион 698 минг 927 сўмлик қўшиб ёзишга йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Албатта, буюртмачи ишни қабул қилиб олишда ишнинг сифати ва харажат сметаларини мукаммал назоратдан ўтказиши лозим. Шунингдек, бажарилган ишлар жойига бориб ўрналиши, ҳужжатлар билан солиштирилиши, умуман, мазкур объектларни топшириш-қабул қилиш ишлари қўнуий асосда амалга оширилиши керак эди. Бироқ Муборак газни қайта ишлаш заводи унитар шўъба корхонаси раҳбарияти ва масъул шахсларнинг эътиборсизлиги оқибатида заводга катта миқдорда моддий зарар етказилди. "Vatan" савдо ишлаб чиқариш хусусий корхонаси директори Тонготар Амонов ўз қилмишини "этиборсизлик" деб изоҳласа-да, 2010 йилда заводнинг 93 миллион 771 минг 568 сўмлик маблағини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Шунингдек, "Grant-Ellada" масъулияти чекланган жамияти томонидан ҳам бир қатор объектларда қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишда ана шундай "ижод-

Асрор ЭШИМОВ,
Муборак туман прокурори
ўринбосари
Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

корлик" кўрсатилган. Негадир ушбу жамият ҳам тендер танловисиз завод билан таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича шартнома тузишга эришган. Мазкур МҶНнинг 2008-2010 йиллардаги фаолиятига назар ташланса, қўшиб ёзишда "Vatan" савдо ишлаб чиқариш хусусий корхонасидан ортда қолмаганлигини сезиш қийин эмас. 2008 йил март, сентябрь, ноябрь ойларида Қарши шаҳридаги "Турнач" болалар боғчасида 120 миллион 721 минг 724 сўмлик таъмирлаш ишлари, 2010 йил июнь-декабрь ойларида заводнинг товуқхона биносида 377 миллион 598 минг 596 сўмлик қурилиш ишлари, Муборак тумани марказидаги "Дехқон бозори"ни қайта қуришда 155 миллион 143 минг 557 сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилганлиги тўғрисида тузилган далолатнома ва ҳисоб-варақ фактуралар текширувдан ўтказилганда, мазкур жамият заводнинг катта миқдордаги пул маблағларини ўзлаштирилганлиги аниқланди. Жумладан, "Турнач" болалар боғчасида ҳақиқатда сарфланмаган 1 миллион 221 минг 854 сўмлик бетон, 181 минг 439 сўмлик бетон гишт, 653 минг 600 сўмлик арматура, 332 минг 698 сўмлик цементли қоршима ва шунга ўхшаш жами 11 миллион 28 минг 211 сўмлик қурилиш материаллари қўшиб ёзилганлиги маълум бўлди. "Дехқон бозори"да эса 2010 йил апрель ва декабрь ойларида амалга оширилган қайта қурилиш ишларида материаллар баҳосини ошириш ва қурилиш нормативларини қўшиб ёзиш оқибатида 15 миллион 540 минг 605 сўм, товуқхона биносидаги таъмирлаш ишларида ҳам шу ҳолатни такрорлаб, 20 миллион 839 минг 119 сўм, умумий ҳисоблаганда мазкур жамият Муборак газни қайта ишлаш заводи унитар шўъба корхонасига ҳақиқатда бажарилмаган ишлар учун 47 миллион 407 минг 935 сўмлик моддий зарар келтирган.

Хуллас, "Vatan" савдо ишлаб чиқариш хусусий корхонаси ҳамда "Grant-Ellada" масъулияти чекланган жамияти раҳбарларининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга уринганликлари ҳам ўз исботини топди.

Ватанимизнинг ҳар бир гўшасини обод этиш мақсидида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг қўламини йил сайин ортмоқда. Бу йўлда фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг ишлари таҳсинга лойиқ. Бироқ ўз бурчинини унутиб, нафс ортидан турли қинғирликларга қўл ураётган баъзи бир кимсалар ҳам учраб турибдики, улар жиноятга жазо муқаррар эканлигини унутмасликлари керак.

Кўкаала қишлоғи тоғлар билан ўралган, адириларга ёнбош. Кенг адириларга қишин-ёзин қўй-қўзилар яйрашади. Адирини тенг иккига бўлиб, катта асфальт йўл ўтган. Бу йўлдан машиналар карвонини тинмай қатнайди.

Қимматга тушган ўғирлик

Отабек АТАКОВ,
Нурота туман прокурори

Дурбек (исм-фамилиялар ўзгартirilgan) ҳам машинани бошқариб, кўп маротаба бу йўллардан ўтган. Мактабни битиргач, коллежда ўқиди. Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятига қизиққанлиги боис олий даргоҳга ҳавас қилмади.

Қиш ўз ўрнини баҳорга бўшатиб бераётган кунларнинг бирида машинасини бошқариб келаётган Дурбекнинг кўзи адирида ўтлаб юрган эчкига тушди. Шайтон йўлдан урдими ёки ўзида ўғирликка мойиллик бормиди, ишқилиб Дурбек машинасини йўл чеккасида тўтатди. Ҳеч қим йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, қўй-қўзиларнинг олдига яқинлашди. Эчкини шаппа ўшлаб, машинанинг орасига солади. Ҳеч нарса бўлмагандек, яна автомашинасини бошқариб йўлга отланди.

Қарамоғидаги майда молларни ўтлатиб юрган Дехқонбой чўпон бир бош эчкини ўғирланганлигини билди, бу ҳақда тегишли жойларга мурожаат қилади.

Жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Дурбек Давроновнинг иши судда кўрилди. Мустақил юртимизда қонунлар адолатли. 2001 йилдан буюн ҳаётимизга кенг татбиқ этиб келинаётган ярашув институти Дурбекнинг жонига оро кирди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66-моддасига асосан айбони иқроқлиги, жабрланувчи билан ярашганлиги ва етказилган зарарни барта-раф этганлиги учун Дурбек Давронов жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Аммо, эчкининг Дурбек бошқарган автомашинага миниши қимматга тушди. Жиноят қуроли ҳисобланган ушбу автомашина суд қарори билан давлат фойдасига мусодара қилинди.

Халқимизда етти ўлчаб, бир кес деган нақл бежиз айтилмаган. Дурбек Давронов охирини ўйлаб иш қилганида, "чумоли"га эғалик қилмади, "тўя"дан айрилмаган бўларди.



«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Жиззах вилоят филиалида ўтказиладиган очик танлов савдосига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 28 июндаги 101-сонли буйруғига асосан, "Фаллаорол тумани ҳокимлиги"га қарашли Фаллаорол шаҳри, Ф.Ғулом маҳалласи, С.Раҳимов кўчаси 90-уй манзили ҳудудида жойлашган, **бошланғич баҳоси** — 3 005 621 144 сўм бўлган (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади) кўчмас мулкларни очик танлов савдоларига қўйилмоқда.

Объектда ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш учун 500 000 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш мажбурияти юклатилади.

— **Балансда сакловчининг номи:**

"Фаллаорол туман ҳокимлиги".

— **Фаолият-ихтисослиги:** Маъмурий бошқарув.

Ер участкасининг умумий майдони 46 300 кв.м., қурилиш ости ер майдони 11 070,07 кв.м.

Савдо 2013 йил 7 август кuni соат 15:00да бўлиб ўтади. Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 7 август кuni соат 12:00.

Юқоридаги "Давлат активи" 2013 йил 7 август кuni сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 22 август, 6 сентябрь, 23 сентябрь кунлари соат 15:00да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун буюртманомаларни қабул

қилишнинг охириги мuddати 2013 йил 22 августдаги савдо учун 2013 йил 22 август кuni соат 12:00; 6 сентябрдаги савдо учун 6 сентябрь кuni соат 12:00; 23 сентябрдаги савдо учун 23 сентябрь кuni соат 12:00.

Талабгорлар "Давлат активи" бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охириги кунгача АТИБ "Ипотека-банк" Жиззах вилоят ф-лидаги: 22626000804920609001, МФО: 00122, СТИР: 207122519 х/рга тўлашлари шарт.

Савдо натижаларига кўра голиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ра-

қобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Тўланган закатал "Давлат активи" сотилиш баҳосининг 15 фоизидан камини ташкил этса, савдо голиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлаши шарт.

Буюртманомалар қабул қилинадиган ва танлов савдоси ўтказиладиган манзил: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 39-уй. Тел/факс (8-372) 222-34-16. www.1kms.uz rieltssavdo@inbox.uz.

Лицензия: RR-0001.

Хизматлар лицензияланган

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Самарқанд вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги 1743-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 27 мартдаги 4-Па-сонли буйруғига ва 2013 йил 27 июндаги аукцион комиссиясининг 1-сонли баённомасига асосан, Самарқанд шаҳар, Рудакий кўчаси 90-уйда жойлашган, бошланғич баҳоси — 16 312 000 сўм бўлган (бундан кейин "Давлат активи" деб юритилади) собик хусусий нотариус жойлашган бинодаги 1 та хона очик аукцион савдоларига қўйилмоқда.

— **Балансда сакловчининг номи:** Самарқанд вилояти Адлия бошқармаси.

— **Фаолият-ихтисослиги:** Нотариус идораси.

Умумий ер майдони 0,00164 га., бино ва иншоотлар эгаллаган ер майдони 16,4 кв.м.

Сув, газ электр тармоғи мавжуд.

Савдо 2013 йил 5 август кuni соат 11:00да

бўлиб ўтади. Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 2 август кuni соат 18:00.

Юқоридаги "Давлат активи" 2013 йил 5 август кuni сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2013 йил 29 август, 27 сентябрь ва 30 октябрь кунлари соат 11:00да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 29 августдаги савдо учун 27 август кuni соат 18:00; 27 сентябрдаги савдо учун 25 сентябрь кuni соат 18:00; 30 октябрдаги савдо учун 28 октябрь кuni соат 18:00.

Талабгорлар "Давлат активини" бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охириги кунгача "КМСХ" МЧЖ Самарқанд вилоят филиалининг АТИБ "Ипотека банк" Қўқсарой филиалидаги: 20208000604920609025, МФО:00262,

СТИР:207122519 х/рга тўлашлари шарт.

Савдо натижаларига кўра голиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси билан) олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Тўланган закатал "Давлат активини" сотилиш баҳосининг 15 фоизидан камини ташкил этса, савдо голиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлаши шарт.

Буюртманомалар қабул қилинадиган ва аукцион ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳар, Бўстонсарой кўчаси, 85"А"-уй, 2-қават, 210-хона. Тел.: (факс) (8-366) 233-80-56. www.1kms.uz.

Лицензия: RR-0001.

Хизматлар лицензияланган

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Тошкент шаҳар филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарори, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2012 йил 30 апрелдаги 357-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 27 июндаги 114к-ПО-сонли буйруғига асосан, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ходжибоев кўчаси, 70-уй манзилида жойлашган, бошланғич баҳоси - 1 842 572 472 сўм бўлган (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади) 3 қаватли конструкторлик бюроси (механик ва чилангар цехи биноси) ҳамда қўшимча аниқланган мол-мулклар билан биргаликда очик аукцион савдоларига қўйилмоқда.

— **Балансда сакловчининг номи:** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги "Ion Plasma va laser texnologiyalari instituti qoshidagi maxsus konstruktivlik-texnologik byurosi" ("Академасбос" ИИЧБ).

— **Фаолият-ихтисослиги:** Конструкторлик технологияси.

Савдо 2013 йил 5 август кuni соат 11:00да бўлиб ўтади. Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 2 август кuni соат 18:00.

Юқоридаги "Давлат активи" 2013 йил 5 август кuni сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 12, 19, 26 август кунлари соат 11:00да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун

буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги мuddати 2013 йил 12 августдаги савдо учун 9 август кuni соат 18:00; 19 августдаги савдо учун 16 август кuni соат 18:00; 26 августдаги савдо учун 23 август кuni соат 18:00.

Талабгорлар "Давлат активи" бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охириги кунгача ОАИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги қўйдаги ҳисоб рақамига - х/р: 20208000204920609019, МФО: 01036, СТИР: 207122519 тўлашлари шарт.

Савдо натижаларига кўра голиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бош-

қармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Тўланган закатал "Давлат активи" сотилиш баҳосининг 15 фоизидан камини ташкил этса, савдо голиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлаши шарт.

Буюртманомалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй. Тел/факс (8-371) 236-38-28. www.1kms.uz. rieltssavdo@inbox.uz.

Лицензия RR-0001.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 16"А"-уй.

Хизматлар лицензияланган

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Хоразм вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 27 июндаги 66-АС-сонли буйруғига асосан, Хонқа туман ҳокимлигига қарашли Хонқа туман "Навхос" қишлоғида жойлашган, **бошланғич баҳоси** — 73 000 000 сўм бўлган (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади) "Навхос ФАП" нинг бино ва иншоотлари очик аукцион савдоларига қўйилмоқда.

— **Балансда сакловчининг номи:** Хонқа туман ҳокимлиги.

— **Фаолият-ихтисослиги:** Маъмурий бошқарув.

Умумий ер майдони 290,46 кв.м., шундан қури-

лиш ости майдони 226,54 кв.м.

Савдо 2013 йил 7 август кuni соат 11:00да бўлиб ўтади. Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 6 август кuni соат 12:00.

Талабгорлар "Давлат активи" бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган, яъни 10 950 000 сўм миқдордаги закатал пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охириги кунгача АТИБ "Ипотека-банк" Тинчлик ф-лидаги: 20208000004920609036, МФО: 00580, СТИР: 207122519 х/рга тўлашлари шарт.

Савдо натижаларига кўра голиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқ-

риш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Тўланган закатал "Давлат активи" сотилиш баҳосининг 15 фоизидан камини ташкил этса, савдо голиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлаши шарт.

Буюртманомалар қабул қилинадиган ва аукцион ўтказиладиган манзил: Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 23-уй.

Тел/факс (8-362) 226-32-63.

www.1kms.uz, rieltssavdo@inbox.uz.

Лицензия RR-0001.

Хизматлар лицензияланган

Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Лариса Каннева қутлуғ 75 ёшни қарши олмакда.

Эътибор



У Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизимида 36 йилдан ортиқ фаолият кўрсатиб, Тошкент вилоятида эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек масъулиятли ҳамда шарафли вазифага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Энг муҳими, у қаерда ва қандай лавозимда ишлашдан қатъи назар ҳамиша билимдон, камтарин ва самимий инсон сифатида жамоатчилик орасида эътибор қозонди.

Лариса Камиловна меҳнат фаолияти давомида вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, Ангрен шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, Қибрай туман прокурорининг ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Иш фаолияти даврида жамоа ходимларига нисбатан талабчан, ҳамфикр, ўз соҳасида ҳам, жамоат ишларида ҳам соғлом рақобатнинг яратувчиси бўлди.

Унинг кўп йиллик меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Хурматли Лариса Камиловна, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга соҳат-саломатлик, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик, файзу барака тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва
Фахрийлари ихтимой қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги
Маркази

Семинар

ОАВ масъулиятини ошириш масалалари

Ғули ҲОЖИБОЕВА,
«Huquq»

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда ОАВ масъулиятини ошириш масалалари" мавзусида марказий ҳамда ҳудудий журналистлар учун семинар бўлиб ўтди.

Семинарнинг асосий мақсади давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, шунингдек, журналистлар томонидан ёритилаётган мақолаларни профессионал, гоёвий ва бадий даражасини ошириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама этишга қаратилди.

Тадбир давомида "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши амалдаги қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан жамоатчилик назорати олиб борилишининг ҳуқуқий асоси, ижро ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг олиб борилишида халқаро тажриба, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда жамоатчилик назоратини олиб бориш тизими ва усуллари, жамоатчилик назоратини ташкил этишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш — самарали жамоатчилик назоратининг ўрнатишда муҳим омил, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда ОАВнинг ролини ошириш, жамоатчилик назорати ва журналист тегишдир, журналистнинг касбий этикаси каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Hakimboy HALIMOV Baxtiyor NAZAROV
Abbosxon SANGINOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Muxtor ZOIROV Kamoliddin ASQAROV
Gulnoza RAHIMOVA (mas'ul kotib v.b.)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
233-10-53
Faks: 233-10-53,
233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir
qilinmaydi va ulariga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish
faqat tahririyat ruxsati bilan amalga
oshriladi.
□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun
tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma j-7515, 47 595 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va
sahifalandi. «HUQUQ» original metketi.
Navbatchi muharrir: G. ALIMOV
Musahih: M.QAMBAROV
Navbatchi: O'.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 234 5 67 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonaning manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbuot
va axborot agentligida
2009-yil 12-oktabrda
0188-raqam bilan
ro'yatga olingan.

ISSN 2030-7657

977230765094

Ёшларимиз чорак финалда



2013 йилнинг 2 июль оқшоми ўзбек футбол тарихида яна бир янги саҳифани очиб берди. Туркия давлатида давом этаётган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Аҳмаджон Мусаев бошчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси нимчорак финалда бу ёш тоифасидаги Европанинг вице-чемпиони Греция терма жамоасини 3:1 ҳисобида мағлуб этиб, ўз тарихида ilk бора чорак финал йўлланмасыни қўлга киритди.

Аслини олганда, ёшларимиз кичик мундиалдаги стартни яхши олишганди. Шу пайтгача бу ёшдаги терма жамоаларимиз 2003 ва 2009 йилги жаҳон чемпионатларида иштирок этиб, фақатгина бир марта дуранг натижа қайд этишган, холос. Аҳмаджон Мусаев шоғирдлари эса мусобақани Янги Зеландиялик тенгқурлари устидан қозонилган йirik ҳисобдаги ғалаба билан бошлашди. Гуруҳдаги иккинчи учрашувда Хорватия ёшлар терма жамоаси билан 1:1 ҳисобидаги дурангга имзо чеккан ёшларимиз, сўнгги тур олдидан плей-офф масаласини ҳал қилиб бўлишган эди. Аммо бош мурабий Уругвай ёшларига қарши ҳам асосий таркибни майдонга туширишни маъқул кўрди. Негадир ўша ўйинда футболчиларимиз мuddатидан олдин кейинги босқичга чиқиб бўлганлари учунми, бироз сустрок ўйин намойиш этишди ва яқунда йirik ҳисобда мағлуб бўлишди. Энг ёмонни, шу учрашувда етакчи футболчимиз Жамшид Искандаров жароҳат олди. Унинг Ўзбекистон ёшлар терма жамоасидаги ўрни жуда катта. Иқтидорли ярим ҳимоячимизнинг йўқлиги нимчорак финалда ўз таъсирини ўтказиши мумкин эди. Яхшики, жамоадoshлари майдонда унинг йўқлигини сездиришмади.

Ўйинни ҳар иккала жамоа ҳам анча эҳтиёткорлик билан бошлади. Ҳеч бир жамоа футболчилари ҳужумга зўр бериб, гол уришга интилмади. Бу ҳолатни тўғри тушуна бўлади. Чунки бундай ўйинларда биргина хато ҳам қимматга тушиши мумкин. Шунинг ҳисобга олган ҳолда вакилларимиз ҳам, греклар ҳам эҳтиёткорликни маъқул қўришди. Ўйиннинг 27-дақиқасига келиб, Владимир Козак чап қанотда тўпни эгаллаб олиб, ўнг қанотда жариима майдончасига кириб келает-

ган Махсталиевга тўпни етказди. Икки марказий ҳимоячи Сергеевни қўриқлаш билан овора бўлаётганда Махсталиев тўпни тўхтатмасдан дарвозага йўллади. Тўп устунга тегиб, дарвоза тўрига бориб тушди.

Ҳисобдаги устунлиқни биринчи бўлим охиригача ушлаб қолиш муҳим аҳамиятга эга эди. Аммо вакилларимиз рақибларнинг голдан кейинги босимида дош бера олишмади. Максимilian Фоминнинг жарима майдончаида ичида ишлатган кўполлигидан кейин ҳакам 11 метрлик нуқтани кўрсатди. Греция ёшлар термасининг сардори Константинос Стафиллидидис пенальтини аниқ амалга оширди. Дарвозабонимиз Асилбек Омонов йўналишни тўғри топган бўлса-да, тўпни қайтарма олмади.

Голдан кейин грецияликлар босимни камайтириб, яна эҳтиёткорликка эътибор қаратишди. Биринчи бўлим шу ҳисобда якунланди.

Иккинчи бўлимни европаликлар анча ишончли тарзда бошлашди. Терма жамоамиз вакиллари қарши ҳужумга ўтаётганда майдон марказида тўпни йўқотишди ва рақибга қайта қарши ҳужум яратиш имконини беришди. Жариима майдончаида атрофиғача тўп билан югуриб борган футболчи битта пас билан чап қанот ярим ҳимоячисини жарима майдончаидаги чорлади. Сардор Раҳмонов сўнгги паллада тўпни майдон ташқарисига чиқариб юборишга улгурди.

Иккинчи бўлим бошидаги рақибларнинг 10 дақиқалик босимида дош берган Аҳмаджон Мусаев шоғирдлари олдинга ўта бошлашди. Чап қанотда дарвозагача 30 метрлар масофадан белгиланган жарима тўпини Козак амалга оширди. Учрашув бош ҳаками тўп узатилаётган пайтда грециялик ҳимоячи Игорь Сер-

геевни қўли билан ушлаб олиб йиқитганини кўрди ва ҳеч иккинчи пенальти белгилади. Бундан ташқари, ҳакамга эътироз билдирган Коурмпелисга иккинчи сариқ карточка кўрсатилди, у майдондан четлатилди. Пенальтини Игорь Сергеев ишонч билан амалга ошириб, Ўзбекистонни ҳисобда олдинга олиб чиқди.

Ушбу гол ва қизил карточкадан кейин руҳий ва ҳудудий устунлик вакилларимиз томонига ўтди. Мусаев шоғирдлари ишонч билан ўйнай бошлашди. Греция эса бир киши кам бўлиб ўйнаётди, таваккал қилишга мажбур эди. Натижада терма жамоамизда яхши имкониятлар юзга кела бошлади. Ана шундай вазиятларнинг бирида, яъни 82-дақиқада рақиб дарвозаси томон навбатдаги пенальти белгиланди. Игорь Сергеев тўп учун курашда рақибдан тўпни олиб қўйиб, эндигина захирадан майдонга тушган Забиҳулло Ўринбоевга тўпни етказди. Терма жамоамиз ҳужумчисини Константидидис ордасидан қилиб йиқитди. Ҳакам ўйиндаги учинчи пенальтини белгилади. Бу сафар 11 метрлик нуқтага ҳимоячимиз Сардор Раҳмонов ақиллашди ва ҳисобни 3:1 кўринишига олиб келди.

Орадан кўп ўтмасдан африкалик ҳакам Бобурбек Йўлдошевга иккинчи сариқ карточкани кўрсатиб, терма жамоамиз ҳимоячисини майдонни тарк этишга мажбур қилди. Энди у кейинги учрашувни ўтказиб юборадиган бўлди.

Колган дақиқаларда Греция ёшлар терма жамоаси деярли ҳеч нарсга қила олмади. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси эса ўз тарихида ilk марта чорак финал йўлланмасыни қўлга киритди.

Энди вакилларимиз чорак финал баҳсида мусобақа мезбонларини 4:1 ҳисобида мағлуб этган франциялик ёшларга қарши майдонга чиқишди. Ушбу ўйин 6 июни кунги Тошкент вақти билан соат 20:00да бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига жаҳон чемпионати чорак финалида Францияга қарши ўтказиладиган учрашувда омад тилаймиз.

ГРЕЦИЯ — ЎЗБЕКИСТОН — 1:3 (1:1)

Голлар: Константинос Стафиллидис (33-дақиқа) - Аббосбек Махсталиев (27-дақиқа), Игорь Сергеев (62-дақиқа), Сардор Раҳмонов (83-дақиқа)

